Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

9 октябрь 1973 йил, сешанба

№ 238 (15.712). Баҳоси 2 тийин.

УКРАИНА КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, УКРАИНА ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, УКРАИНА ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Украина колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва олимларини, қишлоқ хўжалик органларининг, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг ходимларини, шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашларини, галла учун олиб борилган курашда актив қатнашган ҳамма кишиларни меҳнатдаги катта ғалаба билан — давлатга бир миллиард пуд дон сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги билан самимий табриклайдилар.

Ғалла етиштириш купайтирилганлиги ва давлатга биринчи марта бу қадар кўп миқдорда дон сотилганлиги мамлакат экономикасини ривожлантириш ва совет кишиларининг фаровонлигини юксалтириш юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари муваффақиятли равишда бажариш ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Эришилган муваффақиятлар Украина қишлоқ хўжалиги ходимлари ва барча меҳнаткашлари қилган фидокорона меҳнатининг натижасидир, партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсивлаш ва унинг самарадорлигини кучайтириш йўлини амалга ошириш соҳасида партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган зўр ташкилотчилик ва снёсий ишларнинг якунидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Украина қишлоқ хўжалик меҳнатчилари эришилган натижа билан кифояланиб қолмасликларига ва фидокорона меҳнат қилиб, деҳқончилик ҳамда чорвачиликни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришишларига, қишлоқ хўжалигининг ҳамма маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан беш йиллик план топшириқларини шараф билан бажаришларига аминдирлар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

УКРАИНА ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ ДАВЛАТГА БИР МИЛЛИАРД ПУД ҒАЛЛА СОТИШ ЮЗАСИДАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРДИЛАР

Украина қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари партия XXIV съезди қарорларини амалга оширa бориб, юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, дон етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил қарийб 14 миллион гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,2 центнердан дон (маккажўхорисиз), шу жумладан, 31,9 центнердан кузги буғдой йиғиштириб олинди. Тўққиз область, 207 район, 3600 колхоз ва совхоз ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30 центнердан зиёд дон йиғиштириб олди. Юксак уюшқоқлик, республика механизаторлари миллионлаб отряди, барча ғаллакорларнинг аниқ ва пухта ишлаши етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш имконини берди.

Республика партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтган йиғилиши республика ғаллакорларининг ватанпарварлик интилишини ифодалаб, давлатга камида бир миллиард пуд ғалла сотишга қарор қилди. Олинган мажбурият муваффақиятли бажарилди. Ватан омборларига 5 октябргача 16756 минг тонна ёки бир миллиард йигирма уч миллион пуд ғалла тўкилди. Бу—халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 180 миллион пуд ортиқдир. Бу қадар кўп миқдордаги дон республикада биринчи марта тайёрланди. Асосий озиқ-овқат экини бўлган бугдой 13,1 миллион тонна тайёрланди. Жавдар, арпа, тариқ тайёрлаш планлари ҳам оширib бажарилди. Республика колхоз ва совхозлари маккажўхори дони ва шоли йиғиштириб олиш, давлатга сотишни давом эттирмоқдалар.

Давлатга 1527 минг тонна дон топширган Запорожье областининг, давлатга 1482 минг тонна дон топширган Херсон областининг, давлатга 1385 минг тонна дон топширган Днепропетровск областининг, давлатга 1315 минг тонна дон топширган Одесса областининг, давлатга 1192 минг тонна дон топширган Кировоград областининг, давлатга 1057 минг тонна дон топширган Николаев областининг, давлатга 1009 минг тонна дон топширган Полтава областининг, давлатга 1005 минг тонна дон топширган Харьков областининг деҳқонлари Украина миллиардига энг кўп ҳиссе қўшдилар. Қрим, Донецк, Ворошиловград, Киев, Сумы, Чернигов, Житомир, Ровно, Волин, Львов, Ивано-Франковск, Закарпатье областларининг колхоз ва совхозлари халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларини оширib бажардилар.

(Давоми 2-бетда).



Қашқадарё область Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор механизатори Абдухолиқ Раҳматов ҳар куни 9-10 тоннадан пахта териб хўжалик хирмонига барака қўшмоқда. Суратда: А. Раҳматов. А. Тўраев фотоси.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ!

Андижон областидаги Ленин районининг меҳнатчилари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар.

Ватан омборларига 34,2 минг тонна биринчи сорт пахта етказиб берилди.

«Правда Востока», «Коммунизм», К. Маркс номли колхозлар ва кўриқ ердаги В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги номли совхоз бу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшди.

Район деҳқонлари давлатга планга қўшимча суратда 12 минг тонна пахта топширишга, ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказишга қарор қилдилар.

⊙

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан пахтакорлар меҳнатига берилган юксак баҳодан илҳомланган Андижон областидаги Избоскан районн хўжаликлари давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажардилар.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ялпи пахта ҳосилини 60 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида
1973 йил 8 октябрга бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада бир кунда	Шу жумладан машинада мавсум бошидан
Андижон	1,73	88,23	2,74	92,11
Қашқадарё	1,74	84,48	1,83	67,42
Сурхондарё	2,04	79,66	2,47	77,09
Сирдарё	3,51	79,66	4,44	97,91
Тошкент	3,16	73,15	3,87	80,23
Наманган	2,10	72,32	3,77	93,70
Фарғона	1,80	70,22	3,08	62,59
Хоразм	2,72	60,06	3,30	37,67
ҚҚ АССР	3,00	58,44	3,34	45,59
Бухоро	1,70	56,86	2,60	53,42
Самарқанд	2,74	56,98	4,33	60,04
Республика бўйича:	2,37	70,52	3,30	72,48

Шу жумладан ингичка толали пахта

Сурхондарё	1,72	63,76		
Қашқадарё	1,64	56,19		
Бухоро	0,70	15,24		
Республика бўйича:	1,62	57,92		

ЯПОНИЯ БОШ МИНИСТРИ ШАРАФИГА

8 октябрь куни Катта Кремль саройида Япония бош министри Какуэй Танака шарафига СССР ҳукумати номидан нонушта зиёфат берилди.

Зиёфатда Япония бош министри билан бирга унинг Совет Иттифоқига қилган сафарида унга ҳамроҳ бўлган кишилар, шунингдек, Японниянинг СССРдаги элчиси Кинья Ниидзэки ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, В. Э. Димшиц, В. А. Кириллин, В. Н. Новиков, З. Н. Нуриев, Л. В. Смирнов, Н. А. Тихонов, СССР министрлари, давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар бор эди.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Муҳтарам бош министр жаноблари!

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Ўртоқлар!

Бош министр жаноблари, сизни, ташқи ишлар министри Охира жаноблари ва Совет Иттифоқига қилган сафарингизда сизга ҳамроҳ бўлиб келган ҳамма кишиларни самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Биз сизнинг Совет Иттифоқига қилган визитингизга катта аҳамият бермоқдамиз. Бу — Япония ҳукумати бошлигининг кейинги 17 йил мобайнида Москвага қилган биринчи визитидир. Шу боисдан ҳам бизнинг музокараларимизга Совет Иттифоқининг жамоатчилиги, шунингдек, назаримда, Япония жамоатчилиги ҳам қизиқиб қараётганлиги табиий. Иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш ва аҳил қўшничилик руҳидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги муайян умидлар шу музокараларга боғланмоқда.

Башарти, иш ҳудди шу йўлда борадиган бўлса, бу нарса халқларимизнинг ҳаётий муҳим манфаатларига мос бўлиб тушишига ва халқаро вазиятни соғломлаштиришнинг умумий жараёнига бизнинг яхши ҳиссамиз бўлиб қолишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Ҳозир халқаро вазиятни умуман қулай деб ҳисоблаш мумкин. Халқаро зиддиятлар ва низоларни уруш йўли билан ҳал этишнинг мақбул эмаслиги, ҳатто бунга йўл қўйиб бўлмаслигини англаш, «совуқ уруш» ва шиддатли қуроллаништойқаси зарарли эканлигини англаш кўпгина мамлакатларнинг снёсий доиралари ва кенг халқ оммаси онгига тобора чуқур сингиб бормоқда. Халқаро кескинликни юмшатиш жараёни кучаймоқда. Лекин дунёнинг айрим районларида можаролар ва кескинликнинг янги учқунлари бу жараёнга халал бермоқда.

Шу кунларда Яқин Шарқда яна бошланиб кетган уруш фикримизнинг далилларидан биридир. У ерда агрессор — Исроил билан агрессия қурбонлари — Миср ва Сурия ўртасида жанг бўлмоқда. Миср билан Сурия ўз ерларини озод қилишга интилмоқдалар. Биз агрессия қурбонларига батамом ҳайриҳоҳ эканлигимиз табиий. Совет Иттифоқига келганда, у Яқин Шарқда одилона мустаҳкам тинчликнинг ҳамда бизнинг чегараларимизга жуда яқин бўлган шу райондаги ҳамма мамлакатлар ва халқлар учун тинчликсевар ва барқарор хавфсизлик бўлишининг эътиқодли тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Биз ана шундай тинчликни таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишга аввалгидек тайёрмиз.

Совет Иттифоқи ва унинг социалистик дўстлари ҳамда иттифоқчилари кескинлик юмшатилишини мустаҳкамлаш ва халқаро тинчликни кучайтириш йўлида жуда актив куч-ғайрат сарфлаб келмоқдалар. Бизнинг снёсатимиз равшан ва конкрет снёсатдир, бу снёсат КПСС XXIV съездида муфассал баён этиб берилди, съезд томонидан якдиллик билан маъқулланди ва халқаро миқёсда кенг кўламда қўллаб-қувватланди.

Мамлакатимизда яқин йилларда экономикани янада ривожлантириш ҳамда совет кишиларининг моддий фаровонлиги ва маданиятини янада юксалтириш соҳасида жуда катта ички вазифалар белгиланган. Бу ҳам бизнинг ташқи снёсатимиз фақат тинчликсевар снёсат бўлиши мумкинлигининг яна бир исботидир.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқининг ғарбдаги кўпгина капиталистик давлатлар билан муносабатларда катта ижобий ўзгаришлар бўлганлигини биз мамнуният билан таъкидлаймиз. Бу нарса бизнинг турли ижтимоий тузумга мансуб бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги тушунчамизга мос келади. Бизнинг Япония билан муносабатларимиз ҳам худди шу йўлдан ривожланиб боришига биз катта аҳамият бераётирмиз.

Милитаризм ва уруш снёсати нақадар ҳалокатли оқибатларга олиб боришини ва тинчлик халқларининг ижодий фаолияти учун нақадар буюк неъмат эканлигини тарих етарли равишда яққол исботлаб берди. Бош министр жаноблари, сизнинг Япония учун милитаризм ва реваншизмдан ҳам жирканчрок сўзлар йўқ эканлиги, япон халқи учун тинчлик зарурлиги тўғрисидаги гапларингизни эшлаймиз. Биз Япония ҳукуматининг бу нуқтаи назарини табриклаймиз ва мамнуният билан қабул қиламиз.

Дарҳақиқат, шу кунларда давлат ва снёсат арбобларининг фикр-зикрини банд қилиб турган жуда кўп ва ҳилма-ҳил проблемалар орасида халқларни янги уруш даҳшатидан ҳалос қилиш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш вазифасидан кўра ҳам ҳамма мамлакатлардаги миллионмиллион одамларнинг дилига бу қадар яқин, уларни бу қадар чуқур тўлқинлантираётган, уларнинг энг туб ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган бошқа проблема йўқ.

Давлатлар ўз ўрталаридаги ўзаро муносабатларда кўпгина муҳим масалаларни, шу жумладан, экономика, маданият соҳасида ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ҳал этиб борадилар. Аммо, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш эса, ана шу масалаларнинг ҳаммасини муваффақиятли равишда ҳал этишнинг энг муҳим шарти, зарур замини эканлиги мутлақо равшан. Бинобарин, ўз мамлакатининг тақдири учун масъул бўлган давлат арбоби халқига садоқат билан хизмат қилишни истаса, тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилиш унинг биринчи бурчидир.

Бизнинг чуқур эътиқодимиз ана шундай. Биз Япония билан муносабатларимизга ҳам, шу жумладан, сиз, бош министр жаноблари билан ўтказаётган музокараларимизга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашмоқдамиз.

Совет кишилари Узоқ Шарқдаги қўшнимиз бўлмиш Японияга ҳурмат билан, қизиқиш ва яхши ният билан қарайдилар. Экономика, фан, техникани ва ўз мамлакатининг маданиятини ривожлантиришда япон халқи эришган катта муваффақиятлар бизнинг мамлакатимизда яхши маълум. Япония жаҳон иқтисодий потенциалида нақадар катта ўрин олиб турганлигини биз яхши тасаввур қиламиз, шу сабабли, биз ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ва барча мамлакатлар ўртасидаги тинчҳамкорликни ривожлантириш соҳасида давлатлар билан халқлар биргаликда сарфлаётган куч-ғайратларда Япония катта роль ўйнаши мумкин ва лозимлигига асосланамиз. Бинобарин, биз Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида, кўпгина халқаро проблемаларни ҳал этишда Совет Иттифоқи билан Японияниинг ҳамкорлик қилишини табриклаган бўлур эдик.

Иккала мамлакатимиз ўртасида дурустгина база борки, шу базага таяниб, Совет — Япония муносабатларини ривожлантиришда олға силжишимиз мумкин. Кейинги йилларда иккала мамлакатнинг куч-ғайратлари чатиҳасида турли соҳаларда кўп иш қилинди.

Иккала мамлакат давлат арбобларининг ўзаро визитлари тобора кенг тус олмоқда. Парламентларнинг алоқалари активлашди. Ташқи ишлар министрларимизнинг маслаҳатлашувлари одат тусига кириб бормоқда. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари йўли билан кенг алоқалар ўрнатилди. Савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорлик анча кенгайди, бу эса, иккала мамлакатимиз халқларига муайян наф келтираётганлиги энди мутлақо равшан кўриниб турибди. Илмий-техникавий алоқалар, маданий ҳамкорлик, туризм ривожланиб бормоқда.

Натижада урушдан кейин табиий равишда мураккаб бўлиб турган Совет — Япония муносабатларининг умумий муҳити энди анча яхшиланди.

Лекин ҳозир, назаримизда бу камлик қилади. Совет—Япония муносабатларининг қулай гарзда ривожланиши шу муносабатларни тубдан яхшилаш ўзанига солиб юборилса, бундан ҳам Совет Иттифоқи, ҳам Япония халқларининг манфаатлари, шунингдек халқаро тинчлик манфаатлари ҳам фақат ютиб чиққан бўлур эди. Ўз-ўзидан равшанки, СССР билан Япония ўртасида сулҳ шартномасининг тузилиши бизнинг муносабатларимиз учун янада пухтароқ негиз яратган бўлур эди, бу шартномани тузиш тўғрисида фикрлашувни бошлаб юбордик.

Бизнинг тушунчамизда вазифа Совет Иттифоқи билан Япония ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари негизларини ҳақиқатан ҳам узоқ тарихий даврга мўлжаллаб яратишдан, мамлакатларимизнинг халқлари ўртасида, давлатларимиз ўртасида дўстона муносабатларнинг мустаҳкам анъанасини вужудга келтиришдан иборат.

Бу вазифа жўн вазифа эмас, албатта. Шу сабабли, бу вазифани бир одим ташлаш билан ҳал қилиб қўя қолиш амри маҳол. Биз бу йўлда ҳали бир қанча мушкулликларга дуч келишимиз мумкин. Бироқ, шундай бўлса ҳам асосий снёсий мақсадлар равшан бўлса, иккала мамлакатимизнинг раҳбар доиралари етарли равишда қатъият билан холис ниятда бўлсалар, ана шу тўсиқларнинг ҳаммаси бемалол бартараф этилиши ва ўртада турган вазифа муваффақиятли равишда ҳал қилиниши мумкин деб ўйлаймиз.

Бош министр жаноблари, сиз билан бошланган музокараларга биз айни шу назар билан қараймиз ва бир-биримизнинг фикримизни яхшироқ тушуна олишимизга ва позицияларимизни бирмунча яқинлаштиришга умид қиламиз. У ёки бу халқаро проблемалар ҳусусида ёхуд икки томонлама муносабатлар масалалари ҳусусида Совет Иттифоқи билан Японниянинг қарашлари ва баҳолари ҳар хил бўлиши мумкин. Аммо биз тинчлик манфаатлари ва Совет — Япония яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ихтилофларимиз доираси аста-секин камайиб бориб, ниҳоятда доираси кенгайиб боришини истар эдик. Бу эса, иккала мамлакатимиз халқлари учунгина эмас, шу билан бирга ер юзида тинчлик ва осойишталиқни зарур ва азиз деб биладиган ҳамма халқлар учун ҳам фойдали бўлишга аминмиз.

Пировардида сиз, бош министр жаноблари, ташқи ишлар министри Охира жаноблари ва сиз билан бирга келган барча расмий кишиларни бу ерда, Москва Кремли даргоҳида яна бир бор табриклашга ижозат бергайсиз. Танака жаноблари, биз сиз билан биринчи бор учрашмоқдамиз. Аммо биз сизнинг давлат ишларидаги кўч-ғайратингиз ва билимдонлигингизни биламиз. Ана шуларнинг ҳаммаси бизнинг музокараларимиз фойдали ва самарали бўлиши ҳусусидаги ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Бош министр Танака жаноблари-нинг ҳамда унга ҳамроҳ бўлиб келган япониялик ҳамма давлат арбобларининг сиҳат-саломатлиги ва эсон-омонлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

Иккала мамлакатимиз ўртасидаги яхши муносабатлар янада ривожланиб мустаҳкамланаверсин!

Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик бўлсин!

Сўнгра Япония бош министри Какуэй Танака нутқ сўзлади.

(Давоми 2-бетда).

ЯПОНИЯ БОШ МИНИСТРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛДИ

Япония бош министри Какуэй Танака Совет ҳукуматининг таклифига биноан 7 октябрда расмий визит билан Москвага келди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бошқа расмий кишилар Япония ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Какуэй Танакани кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Японниянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Кинья Ниидзэки бор эди.

Аэродромнинг учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди ва Япония ҳамда Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Какуэй Танака А. Н. Косигин билан бирга совет жангчилари олдидан ўтдилар.

Аэродромда пойтахт меҳнаткашларининг вакилдари Япония ҳукумати бошлигини табриклашдилар.

Олий меҳмон аэродромдан ўзи учун ажратилган қароргоҳга қараб йўл олди.

Автомашиналар кортежи ўтган проспект ва майдонлар Япония ва СССР давлат байроқлари билан ҳамда «Япония бош министри жаноблари, хуш келибсиз», «СССР билан Япония ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантирайлик», «СССР ва Япония халқлари ўртасида яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайлик!» деган шиорлар ёзилган транспарантлар билан безатилганди. (ТАСС).

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Яқин Шарқда аҳвол снёсий бартараф қилинмаганлиги натижасида уруш ҳаракатлари яна бошланиб кетди, бунинг оқибатида одамлар қурбон бўлмоқда, кўплаб ва вайронгарчиликлар рўй бермоқда.

Халқаро кескинлик кейинги вақтларда юмшай бошлаганлигини кўриб эркин нафас олаётган жаҳон халқлари воқеаларнинг хатарли ривожланишига яна дуч келиб қолдилар.

Яқин Шарқда вужудга келган аҳволнинг сабаби Исроил ҳукмрон доираларининг экспансиячилик снёсати эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мана бир неча йилдирки, Исроил империалистик доираларининг мадади ва ҳомийлигидан фойдаланиб ўзининг оҳирини ўйламай қилаётган агрессив ҳаракатлари билан Яқин Шарқдаги вазиятни муттасил чатоқлаштираверди. Исроилнинг ҳукмрон доиралари жаҳон жамоатчилигининг ва жаҳондаги кўпчилик давлатларнинг талаблари билан ҳисоблашмай, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини ва қарорларини, халқаро ҳуқуқнинг ҳаммага маълум нормаларини оёқ ости қилиб зўравонлик ва босқинчиликни ўзлари учун давлат снёсати даражасига кўтардилар.

Исроил ҳарбийлари Яқин Шарқда одилона тинчлик ўрнатиш йўлида сарфланаётган бутун куч ва тайратни барбод қилиб ҳамда қўшни араб давлатларига қарши ҳамиша итгоргарликда қилиб, шу районда Тель-Авив 1967 йилда бошланган уруш можароси ўчоғининг милтиллаб турган чўғларини зўр бериб пуфлайбердилар. Исроил ҳарбийларининг Миср, Сурия, Ливанга қарши тўхтовсиз қилаётган қуролли итгоргардиклари шу районда бир неча марта таҳликали вазият вужудга келтирди. Кейинги кунларда Исроил Сурия ва Миср билан жанг тўхтатилган чегара чизиқларида анчагина қуролли куч тўплайверди, резервистларни армия сафига чақирди ва шу тариқа вазиятни ниҳоят даражада кескинлаштириб, уруш ҳаракатларини бошлаб юборди.

Яқин Шарқдаги воқеаларнинг ҳозирги ривожланиши учун ҳамда бу воқеаларнинг оқибатлари учун масъулият батамом ва тўла равишда Исроил устига ҳамда Исроилнинг агрессив интилишларини ҳамиша рағбатлантириб келаётган ташқи реакцион доиралар устига тушади.

Шу нарса яхши маълумки, араб давлатлари анча бардош бериб турдилар ва можарони адолат асосида снёсий бартараф қилишга тайёр эканликларини айтиб келдилар. 1967 йилда оккупация қилинган араб территорияларининг ҳаммасини батамом озод қилмай туриб ва Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминламай туриб Яқин Шарқдаги доимий кескинлик ўчоғини тугатиб бўлмайди ҳамда бу райондаги барча давлатлар ва халқлар учун мустаҳкам ва гарантияланган тинчликни ўрнатиб бўлмайди. Ҳозир Яқин Шарқда бўлаётган воқеалар бу ўзгармас ҳақиқатни ўзининг бутун кучи билан таъкидламоқда.

Озодлик ва мустақилликка интилаётган халқларни қўллаб-қувватлашдан иборат ўзининг принципиал снёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ҳар доим араб давлатларининг ишончли дўсти бўлиб майдонга чиқмоқда.

Совет Иттифоқи Исроилнинг босқинчилик снёсатини қоралаб араб давлатларининг Исроил томонидан 1967 йилда оккупация қилиб олинган барча араб территорияларини озод қилиш тўғрисидаги қонуний талабларини қатъий равишда қўллаб-қувватлайди.

Агар Исроил ҳукумати ўзининг экспансиячилик интилишларига қул бўлиб ақл-идрок овозига қулоқ солмаса ва босқинчилик снёсатини аввалгидек давом эттириб, оккупация қилинган араб территорияларини ушлаб турaверса, Хавфсизлик Кенгашининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорларини назар эътиборга олмаса, жаҳон афкор оммасига шу тариқа дағдага қилаверса, бунинг оқибати Исроил халқига қимматга тушиши мумкин. Бундай ақлга сиғмайдиган йўлнинг оқибати учун Исроил давлатининг раҳбарлари тўла равишда жавобгар бўлажаклар.

ЯПОНИЯ БОШ МИНИСТРИ ШАРАФИГА

К. ТАНАКА НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

Ҳурматли Бош секретарь Брежнев жаноблари!

Ҳурматли Министрлар Советининг Раиси Косигин жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бош секретарь Брежнев жаноблари, сизнинг менинг шаънимга айтган самимий сўзларингиз учун сиздан жуда миннатдорман. Фурсат келганидан фойдаланиб, Совет ҳукуматининг сизнинг мамлакатингизга келишга қилган таклифи учун сизларга яна бир бор самимий миннатдорчилик изҳор қилмоқчиман.

Агар орқага қайрилиб қарайдиган бўлсак, 17 йил муқаддам, ўшанда ҳам октябрь ойида Япония билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатия муносабатлари қайта тикланган эди. Ўша пайтдан бери иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар йил сайин мустаҳкамланиб борди. Лекин шу дамгача Япония билан Совет Иттифоқининг олий мартабали раҳбарлари бир-бирларига визит билан борганлари йўқ эди.

Ўзгариб бораётган халқаро вазиятда давлатларнинг ўз мамлакати учун энг катта масъулиятни зиммага олган раҳбарлари бир-бирлари билан нисбатан учрашиб, икки томонлама муносабатлар масалалари хусусидагина эмас, халқаро тинчликнинг ҳаммани қизиқтирувчи масалалари хусусида ҳам оширо фикрлашиб олишлари зарурати тобора кучайиб бормоқда. Мен Совет ҳукуматининг таклифини қувонч билан қабул этиб Москвага келганимда айни шу муносабатга амал қилдим.

Япония давлат тузумидаги тафовутдан қатъий назар, ҳамма мамлакатлар билан дўстона муносабатларни кенгайтиришни, шу тариқа тинчлик ва бутун инсониятнинг фаровонлиги ишига ҳисса қўшишни айниқса Совет Иттифоқи билан ички ишларга аралашмаслик, ўзаро манфаат ва тенг ҳуқуқлилик асосида дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишни ўзининг ташқи сиёсатига асос қилиб олди. Бизнинг мамлакатимиз ишчилик билан қўзлаб келаётган мақсад ана шундан иборат.

Япония билан Совет Иттифоқи ўртасидаги давлат муносабатлари 1956 йилда қайта тикланганидан кейин иккала мамлакатимизнинг муносабатлари ўша вақтда ҳеч ким ўйламаган даражада кенг соҳаларда ва тез суръатлар билан ривожланиб борди. Чунончи, савдо-сотиқ соҳасида бизнинг мамлакатимиз сизнинг мамлакатингизнинг энг катта шерикларидан бири бўлиб қолди. Бундан ташқари, Япония билан Совет Иттифоқи ўртасида Сибирнинг табиий ресурсларини бирлаштириш ва қўшиқаларга биноан ўзаларштиришда ҳамкорликни амалга ошириш билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга ҳозирги вақтда янада қаттароқ кўламдаги лойиҳалар хусусида музокаралар олиб борилмоқда. Аммо бизни мамнун этмоқ учун бунинг ўзи кифоя қилмайди, деб ўйлаймиз. Япония билан Совет Иттифоқи қўшни мамлакатларгина бўлиб қолмасдан, улар иқтисодий жиҳатдан бир-бирига кўмак берувчи шундай муносабатларни ўрнатганларки, дунёда бундай муносабатлар камдан-кам учрайди. Биз иккала мамлакатнинг тинимсиз куч-ғайратли билан чинакам ўзаро ишончи муносабатларини вужудга келтирганимиз учун ғоят хурсандмиз. Бу ерда ўқишимиз биладиган бирон кимсе йўқ экан... Яқинда бўлса мен шу қишлоқдаги партия маорифи шоҳобчасининг услубини текширишда қатнашдим. Энди қишлоқдаги ҳамма одамлар ёппасига саводли бўлишибди, кўпчиликнинг ўрта махсус ва олий маълумоти бор. Бунинг учун ҳар бир киши билим масканига биринчи қадамни қўйишда ёрдам берган муаллимни астойдил миннатдорчилик билан хотирланди.

Бу мисол нақадар оддий ва табиий бўлмасин, менга жуда ибратли бўлиб туюлди. Бу мисол сизнинг ҳам, менинг ҳам мамлакатимизда халқ маорифи ишларига, ёш авлодни тарбиялашга қандай катта эътибор берилаётганини яққол кўрсатиб турибди. Масалан, ҳали яқиндагина Японияда Москвага сафар қилмоқ учун Сибирь темир йўл магистрали бўйлаб, ярим ой йўл юриш керак бўлар эди. Ҳозирги вақтда ҳаво трассаси бу масофани тўққиз соат ичида босиб ўтиш имконини беради. Шундай вазиятда халқаро жамиятдаги коммуникацияларни ва ўзаро боғланишни кўпайтириш табиий талаб ва тарихий зарурат бўлиб қолди, дейиш мумкин. Бугина эмас, эндиликда кучларнинг муҳофизлиги ҳеч бир яхшиликка олиб бормаслигини ва бу нарса эскилик сарқити бўлиб қолганлигини инсониятнинг ақл-идроки тушуна бошлади. Бундан ташқари, бизнинг давримизда инсоният халқининг турмуш даражасини ошириш, озиқ-овқат, атроф муҳит, табиий бойликлар, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш, янги маданиятли жамиятни барпо этиш сингари мураккаб проблемаларни ҳал этиш зарурати олдида турибди. Ҳозирги вақтда халқаро жамият олдида турган ана шу масалалардан қай бирини олиб кўрманг, уни ҳеч ким бир мамлакат доирасида ҳал эта олмайди. Дунёда юдир бўлган зўр ривожланишга эришган Япония билан Совет Иттифоқи каби мамлакатлар эски йўл билан ўз ёлғиз ҳал этишдан воз кечиб, янги вазиятга муносиб эпчиллик ва активлик кўрсатишлари зарур.

Иккала мамлакатимиз Япония ва Совет Иттифоқи ҳар бири ўз навбатида ўзаро муносабатларини тўла-тўкис нормаллаштириш асосида инсониятнинг ана шу юксак идеалини юзага чиқариш учун конструктив роль ўйнашларини қўлимдан келганини истайман.

Гапимнинг охирида бизга кўрсатилган иззат-икром учун барча совет кишиларига чуқур миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

Бош секретарь Брежнев жаноблари, Министрлар Советининг Раиси Косигин жаноблари, ташқи ишлар министри Громико жаноблари ва бошқа раҳбарларнинг сиҳат-саломатликлари учун, шу ерда ҳозир бўлган совет дўстларимизнинг сиҳат-саломатлиги учун, шунингдек, Япония — Совет муносабатларини янада ривожлантириш учун, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг гуллаб-яшнаши учун қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз.

* * *

Л. И. Брежнев билан Какуэй Танака нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика ҳурмат тахтасига ёзилади:

Дўстлик район — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Хусаинов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Нахипов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Абдураҳмонов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Тен** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Мамараҳимов**.

Мирзачўл район —район партия комитетининг секретари ўртоқ **Керимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қаршибоев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жуниспбеков**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Бўтабоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Номозов**.

Ленин район—район партия комитетининг секретарь ўртоқ **Қодиров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тешабоева**, район ижроия комитети қишлоқ-хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Рўзиев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Гаев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдуллаев**.

Избоскан район — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Саримсоқов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Комилов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Иброҳимов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Қамчиев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Исмоилов**.

УКРАИНА ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

(Боши 1-бетда)

Бу муваффақиятларга колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассислар, қишлоқ хўжалиги барча меҳнатчиларининг юксак уюшқоқлиги, фидокорона меҳнати туфайли, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, совет ва хўжалик органларининг катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб борганликлари натижасида эришилди.

Беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида улкан ғалла хирмони учун курашда саноат корхоналари, қурилишлар, ғалла қабул қилиш пунктлари, автотранспорт хўжаликларининг коллективлари, Совет Армиясининг автомобиль бўлинмалари қишлоқ меҳнатчиларига катта ёрдам бердилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш ва химиялаштириш, ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш ва маънавий рағбатлантириш юзасидан партия ишлаб чиққан ва узоқ муддатга мўлжалланган программа изчиллик билан амалга оширилаётганлиги туфайли ана шундай меҳнат ғалабаси қўлга киритилди.

Ҳозирги вақтда республика далаларида қизғин иш давом этмоқда. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари маккажўхори, дони, шоли, кунгабоқар, қанд лавлаги, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олиш ва давлатга сотишни тезроқ тугаллаш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Колхоз ва совхозларда 1974 йилда дон ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун кураш авж олдириб юборилди.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқ меҳнатчиларининг куч-ғайратини тўққизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли амалга ошириш учун колхоз ва совхозларнинг ўсган имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга сафарбар этмоқдалар, миллиард пуд ғалла кейинчалик Украина деҳконлари учун давлатга йил сайин сотиладиган ғалланинг минимал нормаси бўлиб қолиши учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

8 октябрда Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида ва Узбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширишга бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқлари асосида шаҳар экономикасини ривожлантиришни янада жадаллаштириш программасини амалга ошириш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев доклад қилди.

Пленум КПСС XXIV съезди қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Узбекистон пойтахти Фрунзе район партия комитетининг ҳисоботини ҳам муҳокама қилди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг навбатдаги конференциясини 1974 йил январь ойида чақиришга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

Олмалиқ химия заводи қурилишининг иккинчи навбати тез суръатлар билан давом этмоқда. Корхона қурилишида асосий меҳнатни ёшлар бажармоқда. Суратда: қурилишида фидокорлик билан меҳнат қилаётган қурувчи ёшлардан (чапдан) Муқима Эмиралиева, Валентина Гребенкина ва Надежда Фаденчевалар.

И. Глауберзон фотоси.



ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

НУКУС, 8 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Қорақалпоғистон партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтган йиғилиши якунлари ва беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов доклад қилди.

Йиғилиш тегишли резолюция қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УЧРАШУВЛАР

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг секретарлари Н. К. Кришнан билан Ж. Шарма Узбекистон бўйлаб сафар қилдилар.

Ҳинд коммунистларининг вакиллари Тошкентда В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, турли маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Улар республика фанлар академиясининг раҳбарлари билан учрашдилар, шаҳардаги мактаблардан бирида бўлдилар.

Меҳмонлар Самарқандининг тарихий обидалари ва янги қурилишлари билан танишдилар, Тошкент областининг Қалинин районига бориб, район партия комитетида суҳбатлашдилар, «Узбекистон ССР 40 йиллиги» колхозини кўздан кечирдилар.

8 октябрь куни Н. К. Кришнан билан Ж. Шарма Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Дўстона суҳбатда меҳмонларга республика партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида гапириб берилди.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ—ЯПОНИЯ МУЗОКАРАЛАРИ БОШЛАНДИ

8 октябрь куни Катта Кремль саройидаги Екатерина залида Совет — Япония музокаралари бошланди.

Музокараларни Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико:

Япония томонидан Япония бош министри К. Танака, Япония ташқи ишлар министри М. Охира олиб бормоқдалар.

Ишчанлик вазиятида ва холис ниятлик руҳида ўтган музокаралар чоғида Совет — Япония муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди, баъзи бир актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб ҳам олинди.

Музокараларда Совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. К. Байбаков, СССР министрлари Н. С. Патоличев, А. А. Ишков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССР Министрлар Совети Раисининг ёрдамчиси Б. Т. Бацанов, СССРнинг Япониядаги элчиси О. А. Трояновский, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири И. Ф. Шпедько иштирок этдилар.

Музокараларда Япония томонидан Япониянинг СССРдаги элчиси К. Ниидзэки, Япония ташқи ишлар министри ўринбосарининг ёрдамчиси К. Цируми, ташқи ишлар министрлиги маҳкамасининг директори В. Овада, бош министр секретари А. Кучи, ташқи ишлар министрлиги секцияларининг бошлиқлари Т. Курияма, Х. Аран, ташқи ишлар министрининг секретари Х. Фудзи қатнашдилар.

Музокаралар давом эттирилади.

(ТАСС).

РАҲМАТ, МУАЛЛИМ!

Ҳар бир тилда ҳам «Муаллим» деган ном энг фахрли ном ҳисобланади. Лекин бу ном эҳтимол, ҳамма жойда ҳам Урта Осиёдаги каби тез-тез эшитилмас. Студент профессорга, таниқли партия ходими машҳур олимга, йирик колхознинг раиси маҳаллий мактабнинг ёш ўқитувчисига шундай деб мурожаат қилади. Ҳар бир киши қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилиб:

— Ассалому алайкум, муаллим! раҳмат, муаллим! — дейди.

Бу — ёшликдан тарбияланган ҳурмат нишонасигина эмас. Ўқувчи ўз онласида муаллим ёки мактаб тўғрисида ёмон сўз эшитмайди; Муаллимнинг гапи доимо ҳақ бўлиб чиқишига ҳеч ким ҳеч қачон шубҳаланмайди. Башарти ҳаётда истесно рўй берганида ҳам, ота-оналар буни ўз болалари олдида ҳеч қачон эсга олмайдилар. Турмуш масалалари хусусидаги низоларни ҳал этишда муаллимнинг фикри ҳаммига энг сўнгги, ҳал қилувчи ҳукм бўлиб чиқади.

Кекса ўзбек коммунистларидан ва Самарқандда Совет ҳокимияти ташкилотчиларидан бири Мирзахўжа Уринхўжаев менга бундай деган эди:

— Муаллимга иззат-икром кўрсатилишининг сабаблари кўп. Фақат бир мисолни айтиб берай, бундан эллик йил муқаддам мени саводсизликни тугатиш ишларини ўтказиш учун Испанза қишлоғига юборишди. У ерда ўқишга биладиган бирон кимсе йўқ экан... Яқинда бўлса мен шу қишлоқдаги партия маорифи шоҳобчасининг услубини текширишда қатнашдим. Энди қишлоқдаги ҳамма одамлар ёппасига саводли бўлишибди, кўпчиликнинг ўрта махсус ва олий маълумоти бор. Бунинг учун ҳар бир киши билим масканига биринчи қадамни қўйишда ёрдам берган муаллимни астойдил миннатдорчилик билан хотирланди.

Бу мисол нақадар оддий ва табиий бўлмасин, менга жуда ибратли бўлиб туюлди. Бу мисол совет муаллимларининг халқ олдидаги хизматларидан далолат беради.

Урта Осиёда янги маданиятга негиз солган муаллимларнинг йўли қийин, лекин ҳатто машҳурлари бўлди. Ҳозир биз бошқа замонда яшаб турибмиз. Энди муаллимнинг обрў-эътибори тўғрисида ғамхўрлик қилиш умумдавлат вазифаси, умумий сиёсий вазифа бўлиб қолган. Муаллимга муносабат — авлодлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос, бироқ аниқ бир кўрсаткичидир, ҳозирги мактаб ўқувчиларининг ўз педагогларига муносабати эса эртамасиндин одам билан давлат ўртасидаги муносабатларга айланади. Муаллим тўғрисида,унинг турмуши ҳақида, ўқишни давом эттириш имкониятлари тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг ҳақиқатан ҳам чеки йўқ деса бўлади.

Москвада беш йил ўқиб келган ёш муаллима пойтахт қаётидан кейин олис қишлоққа бориб ишлашдан нақадар кўрққанлигини айтиб берди. Уни шу қишлоққа ишга юборишган экан. У қишлоққа бориб қараса, ҳонани совиқли қизга аталгандек безаб қўйишибди, қўйлак осиладиган шкафча, китоб қўйиладиган токчалар, кўк ёритқичли лампа қўйилган ёзув столи, телевизор. Умивалник ёнига сочиқ осиб қўйишганини айтмайсизми? Йўлакнинг бурчагида хокондоз билан супурги ҳам турибди». Ана шу хокондоз билан супурги қизга айниқса таъсир қилибди. «Бундай чкр-чикирлар ҳам эсдан чиқарилмаганлиги ҳурматдан эмас, муҳаббатдан деб билдим, — деди у. — Гапимга ишонсангиз, ана шуларни кўрганимда мен бази бир урф-одатларимизни эсдан чиқариб, кўзимга ёш олдим. Шунисига ҳайрон қолдимки, қишлоққа келган кунимнинг ўзидаёқ менинг кимлигимни ҳамма билиб олибди, менга муаллима деб мурожаат қила бошлашди».

Яқинда Тошкент областининг Янгийўл районида ўқитувчилар кунига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Шу куни ёш педагоглар ўзларига қаракли энг муҳим нарсага — ўз ўқувчилари ота-оналарининг таҳсинига сазовор бўлдилар. Кўлингизда диплом бўлишининг ўзи кифоя эмас, фарзандларимизни ўқитиш ҳуқуқига эга эканлигингизни эътироф қилганлигимиз бундан ҳам муҳимроқдир... Бу байрамнинг бутун тантанали иқрчикирларини батафсил тасвирлашнинг имкони йўқ. Залда ёшларни шарафлаш билан бир вақтнинг ўзида мактаб ветеранлари пенсияга узатилганлари ва уларга муқофотлар топширилганлигини айтиб кўя қолай. Президиумдаги стол ёнида районнинг энг ҳурматли кишилари, партия ва совет раҳбарлари ўтиришар эди. Бу ерда авлодлар эстафетаси ишончли қўлларда эканлиги яққол ва гўзал тарзда намоён бўлди. Кекса авлодга мансуб кўпгина муаллимлар ва маориф ташкилотчилари орасида бир вақтлар болалар уйида тарбияланиб чиққан кишиларни тез-тез учратиш мумкин. Буни тасодиф деб бўлмайди. Бу одамлар нақадар фидокорлик билан меҳнат қилаётганликларига, ўз ишларини нақадар севишларига қараб, уларнинг бундай самарали ишларида ўзига хос қонуният бўлса керак, деб ўйлайман. Узининг бутун умрини болаларга бағишлаган Янгийўл район маориф бўлимининг мудири Бобохон Қурбонович Тошматовнинг тақдири бунга мисол бўла олади. У ўз райони тўғрисида завқ-шавқ билан гапиради. 1924 йилда бу ерда икки мактаб ва олти нафар муаллим бўлган экан. Ҳозир район-да бир юз йигирма мактаб ва салкам уч минг педагог бор. Атиги олти нафар муаллим бўлган пайтда улар камлиги учунгина обрўси баланд бўлаверар эди. Энди обрў учун курашмоқ керак. Райони республика хизмат кўрсатган 17 ўқитувчи, халқ маорифининг 137 аълочиси бор, 113 педагог—маҳаллий Советларининг депутатларидир.

Бутун совет мактаби каби ўзбек мактаби олдида ҳам кўпгина проблемалар турибди. Физика, математика, чизмачилик, расм, ашулалдан дарс берадиган юқори малакали муаллимлар ҳали ҳам етишмаётир. Қишлоқ мактабларини битириб чиқувчилар билан шаҳар мактабларини битириб чиқувчиларнинг билимлари бир текис эмас, ниҳоят педагогларнинг ўзларини тайёрлаш ҳам бир хил эмас. Республикадаги педагогика олий ўқув юртларининг ҳаммасида ҳам баббаравар юксак талабчанлик қилинаётир ва дарс бериш даражаси баббаравар юксак даражада олиб борилаётир, деб бўлмайди. Уй вазифаларини бажариш, мактабдан ташқари ўқиш ва спорт билан шуғулланиш учун шаҳар ўқувчисига нисбатан қишлоқ ўқувчисининг вақти анча кам эканлиги ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қишлоқ мактаби тўғрисидаги қарори, ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисидаги қонун Асослари қабул қилинганлиги Ўзбекистонда бутун партиямизнинг, бутун халқимизнинг бевосита топшириғи деб кутиб олинди. Ҳозир ҳамма жойда ана шу топшириқ ижодий равишда амалга оширилмоқда. Бу йўлда қилинаётган ҳамма ишв. И. Ленинининг совет муаллими обрў-эътибори тўғрисидаги, унинг жамиятдаги роли ҳақидаги орзусини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Халқ маорифи тўғрисидаги янги қонунда таълим жараёнида, янги инсонни камол топтиришда совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг биргаликда қатнашиши тўғрисидаги ҳаётнинг энг муҳим талаби ҳам ўз ифодасини топди.

Ўзбекистонда рус тилини ўргатишга жуда катта эътибор берилмоқда. Республикадаги мактаблардан бирининг директори Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. А. Қурбонов тарих дарсини беради. Унинг дарслари кўпгина китоблар ва кино фильмлардан ҳам мароқлироқдир. Унинг дарслари аввало совет ватанпарварлигидан, халқлар дўстлигидан берилган дарслардир. Алексей Абдураҳмановичнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига Улуғ Ватан уруши йилларида сазовор бўлган энг ёш қаҳрамонларнинг биридир. Унинг номи иккита — Абдулла ва Алексей. Машҳур генерал Ватутин ёш разведкачи душманнинг ичкари томонига қилинган сафардан қайтиб келгач уни қучоқлаб, Алёша деб атади. Солдат ўз генералининг ҳурматига бу исмни ҳам сақлаб қолди.

— Менинг исмимгина иккита эмас, она тилим ҳам иккита, деди Қурбонов. — Рус тилини мен фронтда ўргандим. Ўша оғир дамларда рус тили украинлар ва грузинларни, латишлар ва ўзбекларни, тожиклар ва арманларни — ҳаммамизни иноқлаштирди. Биз энг эзгу сўзларимизни бир-биримиз билан рус тилида гаплашдик.

А. А. Қурбоновнинг ташаббуси билан мактабда ҳафтада бир кун рус тили куни ўтказилади. — Ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам шу куни фақат русча гаплашишга интиладилар.

Педагоглар ўз билимларини тўхтовсиз оширишларига катта эътибор берилаётганлиги ҳам жуда самарали бўлиб чиқмоқда. Масалан бир қанча областлардаги ёш ўқитувчиларга ўз билимларини ошириш учун ҳар ҳафтада дарслардан бўш бўлган бир кун албатта ажратиб берилмоқда. Шу куни ўқитувчининг ўзи ўқиб ўрганади.

Республика фанлар академиясининг вице-президенти ва Ўзбек энциклопедиясининг бош муҳаррири И. М. Мўминов ўз йўлини Бухоро яқинидаги Тезгузар қишлоғида муаллим бўлиб бошлаган. У менинг: педагогнинг обрў-эътиборини ошириш учун энг муҳим нарса нима, деган саволимга:

— Билим ва олийжаноблик, — деган лўнда жавобни берди.

У содда бўлиб туюлишдан чўчимайди. Аниқ иш тутишни у энг асосий фазилат деб билади.

— Муаллим ўз номини оқлаши учун ўз билими жиҳатидан ҳам, шахсий, инсоний хусусиятлари жиҳатидан ҳам атрофидаги ҳамма кишилардан юқори, анча юқори бўлиши керак. Илгари вақтларда хатни қироат билан ўқий оладиган ҳар бир киши қишлоқда билимдон ҳисобланар эди. Энди ўрта маълумот олиш мажбурий бўлиб қолди. Ўн синф маълумоти ҳозирги кишидан билимлироқ бўлишнинг маъноси нима эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг! Олийжанобли деганда мен ҳар бир ўқувчига эътибор билан қараши ва ҳар бир оила ҳақида ғамхўрлик қилишни назарда тутаман. «Муаллим» ва «Устоз» деган сўзлар ҳамма тилларда ҳам бир маънони билдиради.

Бутун авлоди муаллим бўлган тўқсон яшар Рухсора ая менга бундай деди:

— Революциядан аввал Узбекистонда саводли кишилар бўлмаган экан деб ўйламанг. Бундай кишилар бўлган, хотин-қизлар орасида ўқимишлилари бўлган. Бир неча киши Тошкентда, бир нечаси Самарқанд ёки Қўқонда бўлган. Улар бир-бирлари билан гаплашмоқ учун узоқ йўл юришга мажбур бўлганлар. Йўл азобида улар хатто гаплашмоқчи бўлган: гаплашини ҳам эсдан чиқариб қўяр эдилар. Мен русча «интеллигент» сўзини биринчи бор эшитганимда ва унинг маъносини тушунганимда, бу сўз менга бизнинг ўзбекча «интилган» сўзидан келиб чиққандек туюлди. Ҳалқимиз орасида «интилган»лар кўп бўлган, лекин, бахтга қарши, интеллигентлар оз бўлган, халқ эса бундай кишиларнинг ёрдамисиз илм-фан дунёсига кира олмаган.

Халқнинг муаллимга, олимга, интеллигентга ҳурмат билан қараш анъанаси яшаб келмоқда, бу анъана ривожланиб, янги маъно касб этмоқда.

Ўқитувчилар куни — ўқиётган ва ўқитаётганларнинг ҳаммаси учун байрамдир. Шу боисдан ҳам ҳозир шаҳар ва қишлоқларда:

— Ассалому алайкум, муаллим! Раҳмат, муаллим! — деган сўзларни ҳамма қувонч билан айтмоқда.

Комил ИКРОМОВ,
Узбекистон ССР.
(«ПРАВДА» газетасининг 7 октябрь сонидан).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Планга киритилди

Фарғоналик газетхон В. Султонов редакцияга йўллаган хатида Чинор қишлоғида болалар боғчаси ва клуб йўқлиги тўғрисида сигнал берган эди.

Редакция текширишга юборган юқоридаги мазмундаги хатга Ўзбекистон район Совети ижроия комитетидан жавоб олинди. Унда айтилишича, газетхон билдирган танқидий фикрлар тўғри бўлиб чиққан. Чинор ва Сочтепа қишлоқларида клуб қуриш нелгуси йил планига киритилган. Чинор қишлоғида болалар боғчасини қуриш плани эса 1974 йилнинг биринчи кварталига белгиланган.

Ўзбошимчалик қилгани учун

— Бухоро область театрининг директори А. Анобиров умр йўлдошим, артист А. Маҳмудовага нисбатан қонунга хилоф равишда иш тутиб, уни бесабаб ишдан бўшатди, — дейинган эди газетхон М. Шариповнинг редакцияга йўллаган хатида. — Бу эса унинг ижодий изланишига, соғлигига салбий таъсир кўрсатди.

Бухоро область партия комитетидан редакция текшириш ва чора кўриш учун юборган шу мазмундаги хатга жавоб келди. Унда таъкидланишича, хатда келтирилган эътирозлар текширишда тасдиқланган. Текшириш натижалари Бухоро шаҳар партия комитети бюросида муҳокама қилинган.

— Молия интизомини қўпол равишда бузганлиги, «Созанда» ашула ва рақс халқ ансамбли фаолияти устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги, артист А. Маҳмудовани нотўғри ишдан бўшатганлиги учун, — дейилади жавобда, — А. Анобировга қисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ выговор эълон қилинди.

КУЗГИ ДОННИ ТЕЗРОҚ ЭКИБ ОЛАЙЛИК

Бошоқли дон экинларининг келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш фурсати келди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига дон етиштиришни икки миллион тоннага етказишга қарор қилдилар. Шу муносабат билан кузги дон экинлари майдонини 150 минг гектардан зиёд кенгайтириш мўлжалланади.

Ҳозирги вақтда кузги дон экинлари учун ерни тайёрлаб қўйиш ўтган йилнинг кузидагига қараганда тезроқ боряпти. Қашқадарё областининг хўжаликлари ерларни ҳайдаб қўйиш ишларини тугаллаш арафасида турибдилар. Пахтачи, Бўка, Оржоникидзе, Пискент, Янгиер, Сирдарё, Конимех ва Баликчи районларида кузги дон экинлари учун ерлар тўла-тўкис ҳайдаб қўйилди. Бахмал, Бойсун, Сариосиё, Бўстонлиқ районларининг тоғли зонасида эса экишни бошлаб юбориш учун аллақачон вақт келганлигига қарамай сусткашлик қилмоқдалар.

Суғориладиган ерларда ҳам ерларни кузги дон экиш учун тайёрлаш ва шудгорлаб қўйиш учун ошиқмаётирлар. Ваҳолонки, мақкажўхори, каноп, сабзавот ва қовун-тарвуз экинларидан кейин 100 минг гектардан кўпроқ ер бўшаган бўлса ҳам, уларнинг атиги чорак қисми ҳайдалган. Гагарин, Шеробод, Бекобод, Янгиёўл, Дўстлик, Ильич, Пахтакор, Октябрь районлари, шунингдек, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРнинг хўжаликлари айниқса кейинда қолмоқдалар. Бўшаб қолган ерлар кўп, ҳайдов эса аслида ҳали бошланмаган.

Асосий баҳорикор зоналарда кузги донни экиш муддатлари етиб келган бўлса ҳам Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарё областларининг галлакор хўжаликларида ҳам экиш фақат баъзи хўжаликлардагина бошлаб юборилди.

Андижон ва Бухоро областларининг суғориладиган ерларида ҳам экишнинг энг яхши муддатлари ўтказиб юборилмоқда.

Уруғлик тайёрлаш ҳам ташвиш туғдирмоқда. Хўжаликлар томонидан ғамланган буғдой ва арпа уруғлигининг тўртдан уч қисмидан кўпроғидан фақат ярмиси экишга яроқли бўлиб чиқди. Бироқ «кондицияга» етказилган ана шу уруғликнинг фақат учдан бир қисмигина экиш стандарти I—II классларининг нормаларига тўғри келади.

дала ишлари КУНДАЛИГИ

Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё областларининг колхозлари ва совхозларида ғамлаб қўйилган уруғликнинг ярмидан кўпи ҳали тозаланмаган ва тегишли экиш кондицияларига етказилмаган. Гагарин, Жарқўрғон, Ондарё, Янгиёўл, Гулистон, Сирдарё, Косон, Китоб ва бошқа кўпгина районларнинг хўжаликлари кондицияга етказилган уруғликка эга эмаслар. «Ударник», «Қизил чорвадор», Охунбобоев номли, «Восход», «Авангард», Киров номли, 1-«Зомин» каби галлакор совхозлар ҳам дон тозалаш техникаси мавжуд бўлгани ҳолда ғамлаб қўйилган уруғликнинг фақат учдан бир қисмини экиш кондицияларига етказишга эришмаганлар. 2-«Зомин» совхозида ғамлаб қўйилган уруғликнинг ҳаммаси кондиция талабига жавоб бермайди, ифлосланган. Уруғликларни тозалаш эса чинакамига ташкил этилмаётир.

Баҳорикор деҳқончилик институти экспериментал хўжалиги — Карл Маркс номли совхозда сортларни алмаштириш учун уруғлик тайёрлаб қўйилмаган. Ваҳолонки, хўжаликларда мавжуд бўлган дон тозалаш заводлари ва донни тозаловчи мураккаб машиналар уруғлигини экиш бошланишидан анча барвақт тайёрлаб қўйишга имкон берарди.

Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ҳар бир хўжалик етарли миқдорда уруғликка эга бўлиши тўғрисида шу қолган қисқа муддат ичида ғамхўрлик қилмоқлари зарур. Бутун дон тозалаш техникасидан унумли фойдаланиш, ғамлаб қўйилган уруғликни экиш кондицияларига етказиш, уларнинг сифатини давлат уруғчилик инспекцияларида текшириб кўриш керак. Кондицияга етказилмаган уруғликни ерга экиб бўлмайди.

Октябрь — кузги дон экинлари яллиғ равишда экиладиган ойдир. Ерларни ҳайдаб қўйиш ва уруғликни тайёрлашни кечиктириш экишнинг орқага судралиб кетишига ва ҳосилнинг камайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолга эса йўл қўйиб бўлмайди.

ТОЛМАС ҚЎЛЛАР

Репортаж

Осмон пештоқидаги сунгги юлдузлар сўниши билан пахтазорда ҳаёт қайнайди, теримчилар далага ошиқади, «зангори кема»лар гувиллайди. Неъматжон Аҳмедов билан Мамажон Холиқов ҳам далага шошилади. Бири совхоз директори, иккинчиси хўжалик коммунистлари етакчиси. Икковининг ҳам елкасида оғир юки бор. Бу йил она-Ватанга 13875 тонна «оқ олтин» етказиб беришдек юксак мажбурият ва ташкилотчилик ишларининг масъулияти иккисининг зиммасида! Тўғри, уларнинг паравози — ишчилар ва техника! Теримни суръатини ошириш, рақамлар кетига рақамлар қўшиш, терим агрегатларининг бир меёрда ишлашини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчиларнинг тўйғуларига шерик бўлиш учун уларнинг қалбига қулоқ солиш даркор. Бунинг учун ҳар бир деҳқоннинг қувончу-ранжларига ҳамнафас бўлиш шарт. Бу — раҳбарнинг чинакам фазилати. Улар шундай қилишади.

Мана, бугун ҳам улар кун бўйи дала кезди. Бригадаларда бўлди, механик-ҳайдовчилар билан учрашди. Кимга қанақа ёрдам керак бўлса, даҳол ёрдам кўлларини чўзишди. Карталарни айланиб, яна бир бор ҳосил чўғини чамалаб кўришди. 3750 гектар ердаги пахтазор ўз ҳосилини кўз-кўз қилиб турарди. Эгатларда миллион юлдузлар чарақлаб тургандай, ҳар бир чаноқда гўё бахт кулади, деҳқоннинг омади кулади. Уларнинг ҳар бирига хўжалик деҳқонларининг юрак қўри, кўз нури, кўнгил оқлиги сингган.

Машина хўжаликка чинакам қанот бўлмоқда. Совхоздаги 59 машина ишлаб турибди. «Зангори кема»лар билан 2500 гектар майдоннинг пахтаси териб олинаётир. Пўлат этакларда 7,5 минг тоннага яқин «оқ олтин» терилиб олинади. Бир томондан машиналар, бир томондан кўл минг килограммчилар ва ҳашарчилар хирмонга барака киритмоқда. Кунига социалистик мажбуриятнинг 4-5 процентн миқдорида «оқ олтин» тайёрланяпти. Кўпгина бригадалар пахта тайёрлаш йиллик планини бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига дур тошираётир. Т. Худойбердиев, Ю. Бозоров, Х. Ҳакимжонов, Н. Азизов бошлиқ бригадалар ҳозиргача гектаридан 35-40 центнердан хирмон кўтаришди.

Апламақалда бўлим бошлиқларн ва бригадирлар совхоз идорасига тўпланишди. Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг директори ва партком секретари бугун ким қанча пахта тайёрлаганини маълумотга қараб бир-бир чўтга солиб чиқди. Хўжалик бўйича социалистик мажбуриятнинг беш процентн миқдорида қабул пунктларига пахта жўнатилибди. Айни муддао! Сентябрь ойида 6 минг тоннадан ошиқроқ пахта тайёрланди. Бу, белгиланган планнинг 70 процентдан кўпроғини ташкил этади. Совхоз бўйича бу йил 9900 тонна пахта тайёрлаш плани белгиланган. Белгиланган тадбирларга мувофиқ, план 10 октябргача бажарилади. Октябрь ойида эса 5,5 минг тоннага яқин пахта тайёрланиши зарур. Шунда социалистик мажбурият 1 ноябрда адо этилади.

...Ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Осмонни қора булут қоплаганди. Ёмғир ёғиш хавфи ҳам йўқ эмасди. Лекин кутилмаганда ярим кечада қаттиқ шамол турди. Яна кўкда юлдузлар чарақлади. Кечаси шамол бўлса механик-ҳайдовчиларнинг байрами бўлади, деб беринг. Неъматжон ака бундан ҳурсанд бўлиб совхоз идорасига келса, партком секретари уни кутиб турган экан. Улар машинага ўтириб дала кезмоқчи бўлишди. Тўғри совхознинг «Намуна» бўлимига йўл олишди. Машина Ленин орденли Ҳакимжон Хўжамуродов бошлиқ бригаданинг дала шийпонига яқинлашганда пахтазорда моторларнинг гувиллаётганини эшитдилар. Катта картада чирогини милтиллатиб елкалар сузарди. Машина «зангори кема» қаршисида тўхтади. «Ўзбекистон» агрегати карта бошига келди-да, аста тўхтади. Кейин тележкага бункердан пахта бўшатди. Рулда ўтирган 35 ёшлар чамасидаги комбинезонли йигит машинага тормоз бериб, пастга тушди.

— Ҳорманг, Ҳакимжон!

— Саломат бўлинглар. Ҳа, келинглар, келинглар, — деди Ҳакимжон машинанинг фаралари ёруғида уларни қарши оларкан.— Нима қилиб юрибсизлар бемаҳалда?

— Узларичи? — деди партком секретари унга.

— Бешариқ шамолини яхши биласиз. Бўлиқ кўсакларни бодроқдек очилтириб юборади, бунинг устига шабнам тушмайди. Шундай бўлгандан кейин машинада тунда пахта теришнинг гашти бор-да.

Ҳакимжон мавсумда «Ўзбекистон» машинаси билан 400 тонна пахта териш мажбуриятини олганди. Ҳозиргача терган пахтаси 280 тоннадан ошди. У бошлиқ қилаётган бригада 75 гектар майдондан 35 центнердан хирмон кўтариб, социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажарган эди. Ҳозиргаги кунларда қўшимча мажбурият олиб, ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга қарор қилган.

Директор ва партком секретари Ҳакимжоннинг бу меҳнат зафарларидан хурсанд бўлиб, бошқа бўлимга кетишди. Ҳакимжон Хўжамуродов механик-ҳайдовчилик «сбини совхознинг машҳур механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Курбон Кенжаевдан ўргаган эди. Бугунги кунда ўзи ҳам устоз бўлаётир ёшларга.

Шу куни тунда совхоз далаларида 20 дан ошиқ «зангори кема» капитани пахта тераётганликларидан шод эди улар. Абдушукур Умаров, Қурбон Кенжаев, Нўъмонжон Азизов, Ўринбой Асрақулов сингари механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири эрта тонгга 3-4 тоннадан хирмон уйишган эди.

Тонг отди. Шамол ҳам тинди. Олтин далаларга қалин шабнам тушди. Механизаторлар машиналарга дам беришди. Ҳакимжон Хўжамуродов шийпонга қайтаётганда яна директор билан партком секретарига дуч келди.

— Шабнам кўтарилгунча бироз дам оламиз, — деди Ҳакимжон директорга маъноли боқиб.

— Кечаси билан яхши ишладиларингиз, раҳмат, сизларга. Совхозимизнинг қаноти сизлар! — дейишди улар ҳурсанд бўлиб.

Ҳакимжон мийигида кулиб қўйди. Шу пайт унинг кўнглидан: биз, механик-ҳайдовчилар чиндан ҳам асаларига ўхшаймиз. Асалари қуёш чиқиб, шабнам кўтарилгандан кейин қанот қоқади, бол йиғади. Биз ҳам шундай қиламиз. Лекин, бизнинг йиққан болимиз асал эмас, асалдан ҳам қимматли «оқ олтин» йиғамиз, деган фикр ўтди.

Қуёш чиқди. Бир пасда шудринг кўтарилди. Пахтазорда яна «зангори кемалар суза бошлади...

А. АҲМЕДОВ,
«Совет Ўзбекистонининг махсус мухбири.

ДОН ДАВЛАТГА

Республика областларида маккажўхори дони ва шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — ўрилган маккажўхори (топшириққа нисбатан процент ҳисобида; учинчи устун — топширилган маккажўхори дони (топшириққа нисбатан процент ҳисобида; тўртинчи устун — ўрилган шоли (планга нисбатан процент ҳисобида; бешинчи устун — топширилган шоли (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Самарқанд	63.4	102.2	65.1	9.5
Тошкент	65.4	101.3	56.5	21.8
Сирдарё	68.9	100.1	36.0	18.5
Андижон	93.1	100.0	61.1	57.0
Сурхондарё	90.5	100.0	53.6	58.6
Қашқадарё	80.7	100.0	планда белгиланмаган	
Фарғона	51.4	100.0	58.4	34.4
Наманган	71.2	97.2	57.2	43.4
Бухоро	69.2	90.5	планда белгиланмаган	
ҚҚ АССР	58.5	75.8	39.4	41.0
Хоразм	54.5	69.5	76.1	47.5
Республика бўйича:	69.4	95.2	49.2	37.5

Жаҳон бўйлаб

ИСРОИЛ МИСР БИЛАН СУРИЯГА ҲУЖУМ ҚИЛДИ

ҚОҲИРА. Миср Араб Республикаси қуролли кучларининг олий қўмондонлиги қуйидаги баёнотни берди: 6 октябрь куни соат 13 дан 30 минут ўтганда Исроил бир неча ҳарбий ҳаво бўлинмалари кучлари билан Мисрнинг Сувайш кўрфази зонасидаги Зафарон ва Ас-Сўхна яқинидаги қисмларига ҳужум қилди.

Миср ҳарбий қўмондонлигининг хабарида айтилишича, душманнинг қуролли бўлинмалари Сувайш каналининг ғарбий соҳилидаги Миср территориясининг бир қисмини босиб олишга уриниб кўрди. Мисрнинг қуруқликдаги қўшинлари бўлинмалари душманга қарши чиқиб, уларни қаттиқ тўпга тутганидан кейин муваффақиятли равишда қарши ҳужумга ўтдилар.

ДАМАШҚ. Сурия Араб Республикаси ҳарбий қўмондонлигининг вакили Дамашқ радиоси орқали қуйидаги хабарни эълон қилди: 6 октябрь куни маҳаллий вақт билан соат 14.00 да Исроил қўшинлари ўт очиш тўхтатилган бутун чизиқ бўйлаб Сурия армиясининг олдинги позицияларига ҳужум қилдилар.

Сурия қўшинлари, деди у, душман отган ўтга жавобан унинг тўп-замбаракларини олганини ўчиришга киришдилар. Душман самолётларининг бир неча гуруппаси фронтнинг шимолий участкасида Суриянинг осмон чегарасини бузиб ўтишга уриниб кўрди.

Суриянинг қирувчи самолётлари уларга қарши жанг бошладилар.

ҚОҲИРА. Миср Араб Республикаси ҳарбий қўмондонлиги вакилининг айтишича, Миср ҳарбий ҳаво кучларининг бўлинмалари душманнинг Миср қуролли кучларига ва Сурияга хиёнаткорона қилган ҳужумига жавобан унинг позицияларини бомбардимон қилмоқда.

Миср қўшинларининг айрим қисмлари душманни қувиб бориб, бир неча жойда Сувайш каналини кечиб ўтдилар. Каналнинг шарқий соҳилида душман кучларига қарши жанглар кенгайиб бормоқда.

Миср қуролли кучлари олий қўмондонлигининг хабар қилишича, Миср самолётлари Исроил босиб олган территориядаги душман объектларига муваффақиятли равишда ҳужум қилганлар. Бир неча бор бевосита зарба урилди.

ДАМАШҚ. Сурия Араб Республикасининг бутун территориясида фавқулодда аҳвол эълон қилинди.

Сурия Араб Республикаси ҳарбий қўмондонлигининг маълумотига қараганда, Сурия қўшинлари душман ҳужумини қайтариб, қарши ҳужумга ўтганлар. Жанглар ўт очиш тўхтатилган чизиқнинг ғарбида давом этмоқда, деб таъкидланади маълумотда.

ҚОҲИРА. Миср қуролли кучлари ҳарбий қўмондонлиги берган маълумотда айтилишича, Миср қуролли кучларининг самолётлари билан Исроил самолётлари ўртасида шиддатли осмон жанги бўлиб ўтди. Бу жангда мисрлик учувчилар душманнинг ўн бир самолётини уриб туширдилар. Миср томони 10 самолётини талафот берди.

НЬЮ-ЙОРК. Америка ахборот агентликлари Исроилнинг кейинги бир неча кун ичида зўр бериб ўтказган ҳарбий тайёргарликларига доир баъзи бир тафсилотларни хабар қилмоқдалар.

ЮПИ агентлигининг хабарларига қарағанда, Исроил қўшинлари тайёр ҳолга келтирилиб, қўшни араб давлатлари чегарасига ва ўт очиш тўхтатилган чизиқлар бўйига келтириб қўйилган эди. Тель-Авивда резервдаги солдатлар армияга чақирилганлиги эълон қилинган эди. Беморлардан бўшатиб олинган касалхоналар ва медицина ходимлари жангговар тайёр ҳолга келтириб қўйилган эди. Автобуслар ва юк машиналарининг ҳайдовчилари сафарбар этилиб, уларга армия бўлинмаларини жанг районларига шошилинч равишда ташиш тўғрисида буйруқ берилди. Мамлакатда қаттиқ ҳарбий цензура жорий этилди, чет эл мухбирларининг ҳамма хабарлари цензурадан ўтказилмоқда.

(ТАСС, 7 октябрь).

СУРИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДАМАШҚ, 7 октябрь. (ТАСС). Сурия Араб Республикаси Президенти Хафиз Асад радио орқали халққа ва унинг қуролли кучларига мурожаат қилиб, сўтк сўзлади.

Президент уқтириб ўтдики, Исроил кейинги вақтларда Сурия фронтига ўз қўшинларини тўплаб, Сурияга хиёнаткорона зарба бермоқчи бўлди. Аммо Сурия серғак турди ва янги агрессияни даф этишга тайёр эканлигини кўрсатди. Президент айниқса Сувайш каналида Миср армиясининг қатъий ҳаракат қилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Биз ватаннинг озодлиги ва шон-шарафини қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз, деди президент. Биз адолатли тинчлик ўрнатиш мақсадида, ҳуқуқ ва принципларнинг тантана қилиш йўлида ҳар қандай қурбонлар беришга тайёрмиз. Бутун дунёдаги соғлом кучлар ҳам бизни қўллаб-қувватлаётганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилмоқдамиз, деди у. Мана шу масъулиятли пайтда Сурия халқининг ҳақ-ғоний ишини қувватламоқда.

МИСР ВА СУРИЯНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА МУРОЖААТИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 октябрь. (ТАСС). Миср ташқи ишлар министри М. Аз-Зайёд Бош Ассамблея XXVIII сессиясининг раисига мактуб йўллади. Шу мактубда Исроил қуролли кучлари 6 октябрда Сувайш канали зонаси районида Миср позициясига ҳужум қилдилар, дейилади. «Бу ҳаракат араблар территориясини босиб олиш ва оккупацияни мустаҳкамлаш мақсадида Исроил бошлаган сиёсатнинг давоми, шунингдек Исроилнинг араб миллатини таҳқирлаш ва унинг иродасини сўндиришга интилишидир».

«Миср ўзи-ўзини мудофаа қилиш қонуний ҳуқуқини амалга ошириб, дейилади яна шу мактубда, — барча тинчликсевар халқлар ва мамлакатларни Исроилнинг давом этаётган агрессиясига хотима бериш учун ўз таъсиридан фойдаланишга чақиради».

Миср ташқи ишлар министрининг мактуби БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати тариқасида тарқатилди.

Бу ерда, шунингдек Сурия ҳукуматининг БМТ ҳузуридаги доимий вакилининг баёноти тарқатилди. Баёнотда Исроилнинг Сурияга олдиндан планлаштириб ва атайлаб ҳужум қилганлигига эътибор жалб этилади.

Сурия Араб Республикаси ҳукумати Исроилнинг мана шу янги агрессив ҳаракати натижасида хатарли аҳвол юз берганлиги ҳақида Хавфсизлик Кенгаши раисини хабардор қилди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР ЗАМБИЯДА

ЛУСАКА, 6 октябрь. (ТАСС). Китве шаҳар маъмурларининг таклифига биноан, Ўзбекистоннинг Олмалиқ шаҳридан шаҳар ижроия Комитети раиси Ю. Савченко бошчилигидаги делегация Замбияга келди. Замбия мис эритиш саноатининг марказий Китве билан Олмалиқ шаҳри иноқлашган шаҳарлардир. Совет Ўзбекистонининг намояндалари шу визит чоғида Китве шаҳри маъмурлари билан, Замбиядаги шу шаҳар жамоатчилигининг вакиллари билан учрашадилар.

ИМПЕРИАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

◆ ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларида ишсизлар ҳали ҳам кўп. Меҳнат министрлиги меҳнат статистикаси бюросининг хабар беришича, сентябрь ойида рўйхатга олинган ишсизлар сони меҳнатга қобилиятли аҳолининг 4.8 процентини ташкил этган. Бу эса Америка меҳнат бозорида 4.3 миллион киши «ортиқча» бўлиб қолганлигини билдиради.

◆ БОННГ. Сентябрь ойининг охирида Ғарбий Германияда 219.300 ишсиз борлиги қайд қилинган. Бу эса ўтган йилнинг шу ойидагига нисбатан 12,6 процент кўпдир. Бу маълумотларни меҳнат масалалари билан шуғулланувчи федерал маҳкама бугун Нюрнбергда эълон қилган.

◆ ДУБЛИН. Йил бошидан буён шимолий Ирландия аҳолисидан 450 дан кўпроқ киши узоқ муддатли қамоққа ҳукм қилинган.

«Айриш таймс» газетаси ана шуни хабар қилиб, инглиз маъмурлари репрессия ва террор ишлатиб, Шимолий Ирландиядаги католиқ озчиликнинг сиёсий ва социал ҳуқуқлар ҳамда эркинлик учун бошлаган ҳаракатини тўхтатишга уринаётилар, деб таъкидламоқда.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИНДИ

НИКОЗИЯ, 7 октябрь. (ТАСС). Кипр ҳукуматининг расмий вакили бу ерда айтган гапига қарағанда, грек генерали Гривасниng террорчилари Кипр президенти архиепископ Макариосниng жонига қасд қилишга уринганлар.

Расмий вакилнинг айтишича, террорчилар президентнинг автомобилини портлатмоқчи бўлганлар. Гривасчилар қўйган миналар президентнинг машинаси келишидан бир неча минут аввал портлаб кетган. Портлаш натижасида ҳеч ким шикастланган йўқ.

Суиқасд қилинмоқчи бўлган районда Кипр полицияси Гривасниng тарафдорларидан бир неча кишини ушлаб олган.

ХАНОЙ. Вьетнам халқи узоқ давом этган уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини тез суръатлар билан тиклашда. Чунончи, пойтахтнинг Кхам-Тьен квартали Америка бомбалари остида вайрон қилинган эди. Эндиликда бу ерда кўркам уй-жой бинолари қад кўтарди. Бунда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари жуда катта ёрдам беришди.

ТАСС фотохроникаси.



ХАЛҚАРО ОБЗОР

МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАЁТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг Югославияга қилган визити тугалланди. Бу визит ҳар икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга қўшилган янги ҳисса бўлди. Совет-Югославия қўшма ахборотида бу визитнинг якунлари шу тариқа таърифлаб берилди. Чет эл матбуоти ҳам визит натижаларига шундай баҳо бермоқда.

Совет-Югославия алоқалари ҳамма соҳаларда — сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳаларда ғоят муваффақиятли суръатда ривожланиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1971 йилда Белградда ва 1972 йилда Москвада Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси И. Броз Тито билан учрашувлари ва суҳбатлари ана шу муваффақиятларни қўлга киритишда, Совет-Югославия муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратишда катта аҳамиятга эга бўлди. Совет ҳукуматининг бошлиғи А. Н. Косигин Югославияда сўзлаган нутқларидан бирида таъкидлаб ўтганидек, бу визит «сиёсий, иқтисодий алоқаларни ва бошқа амалий алоқаларни ривожлантиришда ҳам, халқаро муносабатларни янада нормаллаштириш ва тинчликни мустаҳкамлашда ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни тобора кучайтириш йўлларини белгилаш» мақсадини кўзда тутди. А. Н. Косигин визит давомида шу мақсадга эришилганлигини таъкидлади.

Совет ҳукумати бошлиғининг Югославияга қилган визити натижалари халқаро майдонда ҳар иккала мамлакат ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради. Совет-Югославия қўшма ахборотида ҳар икки томоннинг қарашлари бир хил бўлган кўпгина энг муҳим проблемалар кўрсатиб ўтилган. СССР ва Югославия Социалистик Федератив Республикаси тинчлик учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда сафдош бўлиб ҳаракат қилмоқдалар. Бу сафдошларнинг ҳаракат бирлиги уларда социал тузумнинг муштараклиги билан белгиланади. Шу сабабли А. Н. Косигиннинг Югославияга қилган визити Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги икки томонлама муносабатлардан ҳам кўра каттароқ аҳамиятга молик воқеа бўлди.

ХУНТАНИНГ РАЗИЛ ИШЛАРИ

Шу кунларда бутун дунёнинг эътибори Чилидаги воқеаларга қаратилган. Телеграф ҳарбий хунтанинг жиноятлари тўғрисида кун сайин янги хабарлар келтирмоқда. Ҳарбий хунта шафқатсизлик қилишда ҳар қандай «рекордлар»ни орқада қолдирди. Ҳарбий хунтанинг зиндонларидан қочиб қутила олган кишилар ҳозирги вақтда қонунга мувофиқ сайланган Халқ бирлиги ҳукуматига содиқ бўлиб қолган Чили ватанпарварлари бошидан кечираётган фожиалар тўғрисида сўзлаб бермоқдалар. Одамларни кўплаб отиш, мудҳиш қийноқ-азоблар, ҳақорат ва жабр-зулм нацизмнинг разил пайтларини эсга туширади. Ҳамма жойда марксизм классикларининг асарлари ёндирилмоқда, бошқача фикр юритувчиларни турмаларга ва қамоқ лагерларига ташламоқдалар.

Коммунистларни ва Халқ бирлигининг бошқа актив тарафдорларини ўлдириш, Сальвадор Альенде ҳукумати амалга оширган прогрессив социал-иқтисодий ислоҳотларга чек қўйиш — хунтанинг асосий мақсадидир. Шунинг учун ҳам хунта йирик мис конларини аввалги эгаларига қайтариш ниятида эканлигини эълон қилди, халқ бирлиги ҳукуматининг меҳнаткашлар иш ҳақини ошириш тўғрисидаги тадбирларини бекор қилди. Шунинг учун ҳам бой синфлар — йирик саноатчилар, латифундиячилар, молия доираларининг вакиллари хунтанинг биринчи қадамларини шоди-ҳуррамлик билан кутиб олдилар. Америка мамлакатлараро тараққиёт банки эса (бу банкда АҚШ монополиялари ҳукмронлик қилади) янги режимга бир неча миллион доллар қарз беражагини билдирди.

Ҳарбий-фашист тўнтариши бўлган пайтдан буён ўтган вақт ичида хунта реакциянинг энг қора кучлари манфаатларини ифода этаётганлигини, ғоявий таассуф — хурофот намояндаси эканлигини тамомила фош қилиб ташлади.

Хунта Парагвайда, Португалияда, Жанубий Африка Республикасида ҳукм сураётган энг реакцион режимлар қаторига ўтди. Хунтанинг бошлиғи генерал Пиночет ҳокимият тепасига келиши биланоқ марксизм касалини Чили органнизмидан чиқариб ташлаш» учун ҳамма чораларни кўриш ниятида эканлигини айтди. Шу мақсадда ғоят шафқатсиз террор кампанияси мислсиз кенг кўламда авж олдириб юборилди. Жаллодлар Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалани кўлга олдилар. Луис Корвалан ўлим хавфи остида қолди.

Аммо, чилиликларнинг озодлик, мустақиллик ва тараққиёт йўлидаги интилишларини бостира оладиган куч йўқ. Чилининг бошига тушган ҳозирги фожиали кунларда бутун тараққийпарвар инсоният Чили халқини қўллаб-қувватламоқда. Чили халқи давлат системасига айлантирилган шафқатсиз террор ва бебошлик шароитида хунтага қуролли қаршилик кўрсатмоқда, корхоналарда саботаж уюштирилмоқда.

Хунта ўзининг мудҳиш жиноятлари учун тарих суди олдида бугунми-эрта жавоб беришга мажбур бўлади.

В. ХАРЬКОВ,
А. БИРЮКОВ,
В. ХОРХОРДИН,
(ТАСС).

Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Шу кунларда республикамиз йўлларида автотранспорт ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Халқ хўжалиги юкларини, йўловчиларни ташиётган транспорт воситалари қаторига пахтакорларимиз пешана тери билан етиштирилган ва хирмонга уюлган «оқ олтин»ни тайёрлов пунктларига элтаётган автомашиналар, автотележкалар, трактор тележкалари қўшилди. Бу эса транспорт ҳайдовчиларидан йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишни, бу қоидаларнинг бироз бўлса-да, бузилишига йўл қўймасликни талаб қилади. Чунки муҳим юкларни ўз вақтида белгиланган жойга эсон-омон етказиш, йўлларимизнинг бехатарлиги ана шу қоидаларга қатъий риоя қилинишига боғлиқдир.

Кейинги йилларда транспорт ҳаракати хавфсизлигини кучайтириш мақсадида республикалар ва Иттифоқ миқёсида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг ўтказилиши, транспорт воситаларининг техник кўригини яхшилаш, аҳоли ва транспорт ҳайдовчилари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш ана шулар жумласидандир. Бу тадбирлар яхши самара бермоқда, кўчалар ва йўлларда бахтсиз ҳодисалар камаймоқда.

Бироқ транспорт воситаларининг сони тўхтовсиз ўсиб бормоқда, йўллар тобора серқатнов бўлиб бораётир. Натижада кўча ва йўлларда автомобиль, мотоцикл ва велосипед ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айрим ҳайдовчилар эса спиртли ичимлик ичиб, транспорт воситасини бошқаришни ўзларига эп кўрмоқдалар. Кўча ва йўлларда юз бераётган кўнгилсизликлар, баъзан эса оғир бахтсиз ҳодисалар сабаби худди ана шу ичимлик ичиш ёки чалғанлик қилиб ҳаракат қоидасини бузишдир.

Шу йилнинг 3 сентябрь куни Тошкент область, Оҳангарон районида ЗИЛ-130 маркали «50—61-ТШЕ» номерли машинанинг ҳайдовчиси М. Ҳайруллаев эҳтиётсизлик қилди. Машина рулини ушлаганда «ботир» бўлиб кетадиган айрим ҳайдовчилар бор. Ҳайруллаев худди шундай хилидан эди. У тезликни даҳиқа сайин оширa борди. Бунинг оқибатида машина йўлнинг четига чиқиб кетди ва ағдарилди. Боқеа содир бўлган ерда икки киши қаттиқ жароҳатланди, бир киши эса шу ерда жон берди. Агар ҳайдовчи қоидага амал қилиб, тезликни оширмаганда, бундай бахтсизлик бўлмаслиги турган гап эди.

12 сентябрь куни Гурлан районида ҳам бахтсиз ҳодиса юз берди. Урганч — Гурлан маршрутида ПАЗ-672 маркали «55—72 ХЗБ» номерли машинани Н. А. Геркуленко бошқариб борарди. Велосипед минib кетаётган 9-синф ўқувчиси А. Жўманиёзов бирданига чап томонга бурилди. Геркуленко бу нигитчани босиб кетмаслик учун автобусни чапга буришга мажбур бўлди. Натижада автобус йўлнинг четига чиқади ва ағдарилади. Бу бахтсизлик натижада велосипедчи А. Жўманиёзов ва автобусда кетаётган 9 киши жароҳатланиб, касалхонага келтирилди.

Йўлларда юз бераётган транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳозирги вақтда Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Ойлик давомида автомобилларнинг техника ҳолатини янада яхшилаш, қиш мавсумида ишлашга техникани пухта тайёрлаш, шунингдек ҳайдовчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Йўлларимиз бехатар бўлсин. Фақат ҳаракат хавфсизлиги ойлигидагина эмас, ҳамиша йўллар бехатар бўлмоғи керак. Бунинг учун транспорт қатновида тартибузарларга, чапанларга, ичкиликбозларга қатъий чора кўриш керак. Автохўжаликларнинг, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, айниқса ҳар бир транспорт ҳайдовчиси йўлларнинг бехатар бўлиши, йўл-транспорт ҳодисаларининг тугатилиши меҳнат интизомига, кўча ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилинишига боғлиқ эканлигини унутмасликлари керак.

Б. ОСТОНОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция майори.

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ,
шу бошқарма инструктори, милиция лейтенанти.



Бутун мамлакат Ўқитувчилар кунини қизғин нишонлади. Суратда: Тошкентнинг Октябрь районидаги 59-мактаб тажрибали ўқитувчилари Санобар Камолова ва Вера Кайсуни ўқувчилари байрам билан қутлаб турган пайт.

И. Глауберзон фотоси.

СУД ЗАЛИДАН

ИЧКИЛИК ОҚИБАТИ

«Победа» колхозининг Қирча қишлоғида истиқомат қилувчи Тилов Баракаев сўнгги пайтларда ҳар куни маст бўлиб, учраган кишини ҳақоратлайдиган, турмуш ўртоғи Хурсанд Саломовани дўппислайдиган, тўртта боласнинг оромини бузадиган қилиқ чиқарди. Хурсандой эса қўлолиб қолар, деган андиша билан бирор жойга шикоят қилиб бормади. Қилмиши жазосиз қолаёган Тилов эса ҳар кимга шердай ташланадиган бўлиб қолди.

У бир куни ярим кечада уйига маст бўлиб келиб, Хурсандойни савалаб, тун қоронгусида болалари билан ҳайдаб юборди. Хотини, фарзандлари яна ҳеч кимга шикоят қилишмади. Яқинда Тилов жанжални эрта тонгдан бошлади. Қайнанаси Норчучук Муллажоновага бир-икки мушт туширди. Ароқхўр эртасига яна маст ҳолда уйга кириб келди. Атрофига болаларини йиғиб, қаёққадир олиб кетмоқчи бўлди. Ленив қўниқўшилар авзойи бузуқ отани йўлдан қайтаришди. Тилов уйга отилиб кирди-да, пичоқ олиб хотинига ва ажратмоқчи бўлган кишига ўқталди. Вақтида етиб келган кишилар унинг қўлидаги пичоқни тортиб олишди.

Самарқанд район халқ суди ичкиликка муккаси билан кетган Тилов Баракаевнинг жиноий ишини кўриб, ҳамманинг дилини хира қилган, фарзандлари ва турмуш ўртоғини азобларан ароқхўрга 3,5 йил қамоқ жазоси берди.

П. ҲАМДАМОВ.

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ҲАШАРОТЛАР—ҲОСИЛ ПОСБОНЛАРИ

Дендролимус бактериясининг споралари пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилига катта зарар келтирадиган кўсак қуртларига қарши курашда заҳарли дориворлардан ҳам кучлироқ таъсир қилар экан. Бу йилги мавсумда республикамизнинг ҳамма областларида ўтказилган ишлаб чиқариш синовлари шуни кўрсатди.

Споралар сувга аралаштирилган ҳолда ҳаводан туриб ёки ерда аппаратлар ёрдамида пуркалди. Ушанда споралар ҳашаротларнинг организмларига ўрнашиб, ўсиб чиқа-да, ўзидан заҳар ажрата бошлайди. Ана шу заҳар кўсак қуртини ҳалок этади. СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг олимлари томонидан таклиф этилган ва дендробациллин деб аталган дориворкўсак қуртига қарши курашда ишлатилганида, унинг капалакларининг 94 процентини қириб юборади. Қолганлари эса ҳосил учун хавф туғдиролмайди. Янги дориворнинг иссиқдан ҳам, совуқдан ҳам кўрқмайди. Уни узоқ вақт мобайнида асраш мумкин.

Республикамизда ҳосилни ҳимоя қилиш учун курашда далаларимизнинг, боғлар ва полизларимизнинг кушандасини қириб юборадиган фойдали ҳашаротлар — энтомофеслардан ҳам тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Ҳар бир областда ўсимликларни ҳимоя қилиш станциялари ҳузурида ана шу энтомофагларни ўстирадиган лабораториялар очилган. Трихограмма ва гоброконларни «ишлаб чиқариш» ғоясига кўпаймоқда. Бу ҳашаротлар ўз тухумини бир қанча қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг танасига қўяди. Ана шу тухумдан тез орада насл пайдо бўлади. Зарарли ҳашаротлар эса ҳалок бўлади. Афелинусдан олма ширасига қарши курашда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Псевдофикус деган ҳашарот тут дарахтлари ва боғлоғонинг офати бўлган кемсток қуртининг кўпайишига йўл қўймайди.

(ЎзТАГ).

АХБОРОТ

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

Халқлар дўстлиги кўргазмаси

Ватанимиз пойтахти Москванинг «Садовое кольцо» қисмида халқлар дўстлигига бағишланган фотокўргазмалар очилди. Унда Иттифоқимиздаги қардош республикалар билан бир қаторда Ўзбекистон ҳаётига оид алоҳида экспозициялар ҳам бор. Экспозицияларда республикамиз меҳнаткашларининг меҳнати, дам олиши, ҳозирги ҳаёти тасвирланган.

С. КОСТИРКО.

Олмаота—Тошкентга

Бутуниттифоқ «Союзлифтмонтаж» трестининг Олмаота бошқармаси тошкентлик қурувчиларга дўстона ёрдам бераётирлар. Улар ҳозир Тошкентда қурилаётган 17 қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг тез юрар лифтлари узелларини тайёрлаб бўлдилар.

Г. МАРАЛБОЕВ.

Сержило гиламлар

Денов ва Қамаши қишлоқларининг аҳолиси қадимдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Жило бериб тўқилган араби гиламлар ҳам ана шу қишлоқда тўқиб чиқарилади. Эндилиқда бундай гиламлар Қашқадарё областидаги Ульянов район маҳаллий саноат комбинатида тайёрланяпти. Комбинатнинг Ҳамро Раҳимова, Ойгул Эшонова, Раҳима Ҳайдарова каби чевар тўқувчилари йил охиригача 90 квадрат метр ўрнига 130 квадрат метрдан гилам тўқиш мажбуриятини олдилар.

Ж. ЮСУПОВ.

Санъаткорлар ҳамкорлиги

Хиванинг қадимий подшоҳ саройи олдидаги майдон. Сарой деворлари ортида эса катта бозор. Унда аркони давлат ва уламолар, камбағаллар савдо-сотиқ қилишмоқда. Бой-савдогарлар эса ёш қизларни пулдорларга сотиш билан овора. Бир томонда эса шоир Насимий халқ ва ўз тақдирини ўйламоқда.

Бу, шу кунларда Озарбайжон киностудияси суратга олаётган «Насимий» фильмидан бир эпизод. Фильмга Ғасан Сейидбейли режиссёрлик қилмоқда. Фильм сценарийсини Исо Ғусайнов ёзган.

Бу кинолента XIV асрда яшаб ижод этган Озарбайжон шоири, мутафаккири И. Насимий таваллудининг 600 йиллигига бағишланади. Фильмнинг айрим эпизодлари Бокудан ташқари Хивада ҳам суратга олиняпти. Асарда Озарбайжон санъаткорлари қатори Хоразм область театри артистлари ҳам қатнашмоқда.

Ҳ. ХЎЖАЕВ.

* * *

Редакцияга бундай хушхабарларни яна фарғоналик Т. Каримов, Н. Ортиқов, М. Султонов, У. Раҳматуллаев, О. Сафохонов, наманганлик А. Раҳматов, ленинградлик Р. Собитов, тошкентлик У. Абдусаидов, тожикистонлик А. Ҳамидов, қашқадарёлик М. Эсонов, қорақалпоғистонлик Ҳ. Отамуродовлар ҳам йўллаганлар.

Ўз касбининг усталари

ЧИМДИБ СОЛИНГАН ГЎЛ

Тушки пайт. Троллейбуснинг сўнгги бекати бўлганиданми, чойхона гавжум. Юқоридаги сўрида кекса лар гурунг қуришган. Атрофда кабобнинг ҳушбўй иси кезади. Ичкарида овқатланаётганлар ҳам бор. Чеккадаги дарахт тагидан жой олдик. Самаворчи бизга юзланаркан, чойнакнинг қопқоғини оҳиста шақиллатиб, деди:

— Фарғонача бўлсинми, ё...

— Узимизникидан, фамил дамлайверинг, — жавоб қилди ҳамроҳим. Чойхоначи ҳали бурилишса улгурмай, отаҳонлардан бири:

— Иброҳим, олиб келишмадими? — деб қолди.

— Бироз бор, — соатига қарэйди, — йўлга чиққандир.

Кўп вақт ўтмади. Турли пиширик ва егуликлар ташишга мўлжалланган кажавали мотоцикл келиб тўхтади. Чойхоначи хижолатдан қутилгандай ўтирганларга бир қараб қўйди. У пештахта устига бир тексида тахлаётган нонлардан ҳайратланди. Лоладек бўрсилдоқ кулчаларнинг юзи жилваланади.

— Ширмойимми ё патир? — дедим ҳамроҳимга нонлардан кўз узмай.

— Буни, иккинчи бор кўришим, — деб гап бошлади у чойхоначи келтирган кулчаларнинг оқа-ўнгига диққат билан разм соларкан. Сўнг бурдаланганидан еб чой ўпладида: «Ҳа! Ҳудди ўзининг ўзи!» деб юборди.

— Биринчи марта, — давом этди у, — Май байрами куни моҳмондорчиликда татиб кўрганидим. Аммо нонинг таъми аввалгисидай-ку, кўриниши бўлакча. Кўркамгина дастурхоннинг «икки ерига қўйилган нон катта сопол лагандай бор эди. Гулдорлигини айтмайсанми. Нақш ўйилган дейсан киши. Мезбон дастрадагилар эътиборини тортаётган нонлардан бирини синдириб: «Хамма гап бунинг мазасида» дегани эсимда...

Бу фикрга чойхоначи ойдинлик киритди. У мақсадимизни англади шекилли; оқ халатли тугмасини ўйнаб ўтириб «ўша, кўргазмадан олинган эканми?» деб сўради. «Ҳа, театр майдонидан» дедик уни қувватлаб.

— Ўлманг!? Боягдан бери шундай демайсизми. Таъми оғизда қолганича бор экан. Янглишмабсиз.

— Иброҳим кимгадир чой дамлаб бергач, яна келиб ўтирди. Унинг қўлида доирадек тугун бор эди. Боғичини чаққон ечди-да, «шуми» деди. Ҳамроҳимга қарадим: «Худди ўзи» жавоб қилди у чойхоначига. Ўртада тасаввурингдагидан ҳам кўркам нон кўз-кўз қилинарди.

— Бу ҳам, сизлар айтаётган ҳам ўзимизнинг Муҳаббатнинг қўлидан чиққан, — суҳбатни давом эттирди чойхоначи нон гулларига бармоқ юритаркан. У новвой ҳақида кўпгина илиқ гаплар айтди. Маълум бўлишича, нақшдор нонлар устасини кўпчилик Муҳаббат деб атаса-да, аслн, ҳужжатда Тошхўжаева Лазокат Йўлдошевна деб қайд қилинган. Муҳаббат 35-баҳорини қаршилаш арафасида. Отаси моҳир пазандалиги билан назарга тушганлардан. Онаси Марҳамат хола уй бекаси бўлса ҳам, турли пиширикдар тайёрлаш бўйича билганларини ёшлар билан баҳам кўришга одатланган. Тошхўжаеванинг ўзи қатор йиллардан бери коллектив фахри. Муҳаббат Тошкент шаҳар Советининг депутати. Ўз меҳнати билан одамлар меҳрини қозонаётган қўли гул аёл билан суҳбатлашишга аҳд қилдик.

Эшик тепасида: «Киров район ошхоналар трести. 4-ошхонанинг қандолатчилик цехи» сўзлари битилган. Насибамиз, юртимиз маъмурчилигининг боши, ҳеч кўнгилга тегмас ноннинг ҳиди анқийди. Тошхўжаевани дарҳол таниндик. У, чойхоначи айтганидек оққа бурканган, енглари билагигача шимарилган, бошига танғиган доқа дурачаси очиқ чеҳрасига ярашиб турарди.

Муҳаббат ичкарига бошлайди. Йўлакнинг ўнгу сўлида бир-бирига ўхшаш мўъжазгина хоналар. Деворлари тўқ ранг бўёқли бўлса-да, атроф чарогон, покиза. Тайёр маҳсулотлар учун мўлжалланган очиқ шкаф қаватларида нон, бўлочка, печеньелар кўзга ташланади. Икки ёш ўмуш билан банд:

— Шогирдлар, — дейди у, — Турсуной ҳам, Каҳҳор ҳам мустақилиш бажарадиган бўлиб қолишди.

— Тандир ташқарига ўрнатилган шекилли?

Ҳамроҳимнинг саволи устоз, шогирдларда қулғи уйғотди.

— Ҳамма гап шунда-да, — деди Турсуной Юсупова хамирли қўлларини тозаларкан. Кейинги пайтда баъзилар: «Баҳс ўйнадик, шу, нонни тандирга ёпсангларми ёки духовкада пиширасизми?» деб келишадиган бўлишди. — Новвой қиз бир қарашда холодильникни эслатувчи оппоқ шкафга ёпиндашди ва мароқ билан мурувватини бурай бошлади. — Ҳар қанақасига бошқараверасан, маъқул, ғазидан ўт пуркамайди.

— Ютуғимиз ҳам ана шу электр печлар, — шогирдининг сўзини бўлди Муҳаббат. — Аслида бизлар новвойлармас, балки қандолатчилармиз. Ҳозирча 5-разрядга эгаман. Мастер бўлиш орзуйим ҳам йўқ эмас. Ниятимиз бозор кулчаларидан ҳам кўркам нонлар тайёрлаб, нозик таъб одамларимизга манзур этиш эди. Бунга эришдик. Аммо, янги муаммо чиқиб қолди. Шунақа ночларга талаб ортяпти, эҳтиёжни қондириш осон бўлмаяпти. Цехимизга бириктирилган уч чойхонани таъминлаяпмизу, лекин «бизга ҳам» дегувчилар кўпайиб боряпти. Илгари байрамлар арафасида ташкил этилувчи ярим фабрикатлар ва ҳар хил пиширикдар савдо кўргазмасида, ҳалаверса, республика кўрик-конкурсларида юқори баҳо олишим билан фахрланардим.

— Одамларнинг «Самарқандникими?» деб сўрашгани-чи, — суҳбатга қўшилди Турсуной. — Эшитишимча, уйнинг тўрига қадимий шаҳардан эсдалик сифатида осиб қўйилувчи нонлар хонадонларда тайёрланиб, бозорга олиб чиқиларкан. Шунинг учун ҳам тансиқ, ҳамма сўрайди...

Ташқарига чиққанимизда кеч кирган, қўёш ботиб борарди. Унинг тандирдай ловуллаётганини кўрган Муҳаббат яна электр печни эслади.

— Духовканинг хосияти бошқача, — дейди у, — энг муҳими унда нонларнинг кунгирадорлиги, чимдиб солинган гуллар ўз ҳолига сақланади. Бундай печлар деярли ҳар бир қандолатхонада мавжуд. Бўлмаса, ҳамкасабалардан қанчаси тажриба ўрганамиз деб келишди. Кўришди, негадир нақшдорлигига эришолмаяптилар. Менимча ҳаммаси осон, иштиёқ, ҳавас бўлса бас. Ачитқили хамирни машина қоради, фақат ишлов беришда бироз куч сарфламасанг, ҳафсала қилинмаса бўлмайди. Хамирни қаттиқ қилмай илож йўқ: гули бутун чиқмай қолади. Пенга қўйишдан аввал пардоз берилиши маълум нарса.

Новвой ҳақ гапни айтди. Агар қандолатчилик цехларида нақшдор нонлар тайёрланса, дастурхонимиз кўркига-кўрк қўшилади. Одамлар меросим ва аёмларда торт, пирожнийлар қатори патирсифат нонларга ҳам буюртма берадилар.

Ҳ. НОСИРОВ.



ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Бокс бўйича СССР кубоги мусобақалари. 18.45 — «Глобус» программаси. 19.15—Ахборот. 19.30 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. «Фан» программаси. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00—Шеробод қизлари. 21.20 — Концерт. 22.00—МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Хоккей: **«Крылья советов»** —ЦСКА. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00—МОСКВА. 19.30—ТОШКЕНТ. Адабий кўрсатув. 20.00 МОСКВА. Концерт. 21.00 — **Чорраҳадаги кишилар** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Актер билан учрашув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатувлари. 20.10 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 21.40—**Қуёш барчага баробар нур сочади** (бадиий фильм).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/X да **Лаҳма**, 11/X да **Жумагул** (кеч соат 7 яримда).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/X да **Трибунал**, 10/X да **Беш куниик куёв** (кеч соат 7 яримда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Иван АНИСИМОВ** раҳбарлигидаги ўргатилган айиқлар аттракциони (кеч соат 7 яримда).

КИНО

Мен — Шаповалов — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқуруи), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Угай она — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Ниҳоллар (тоқ соатларда). **Чунки улар бир-бирларини севдилар** (жуфт соатларда) — «ДРУЖБА».

Она муҳаббати — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқуруи).

Лочин изидан — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тамомлагандан кейин уч йилдан кам бўлмаган даврда ишчи ёки колхозчи бўлиб ишлаган, шу шаҳардаги Совет Армияси сафидан бўшаб келган шахслар қабул қилинади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА ЎҚИШ МУДДАТИ 8 ой.

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-20 ноябрларда ариза берувчилар билан суҳбат ўтказилади ва тингловчи сифатида тайёрлов бўлимига киритилади.

Қабул қилинганлар стипендия, эҳтиёжи бўлганлар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини чуқур фаҳмлаган тингловчилар институтнинг биринчи курсига конкурссиз қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига киришу учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ректор номига ариза, иш жойидан йўлланма (хизмат қилган жойидан), етуклик аттестати (асл нусхаси), иш жойидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат (колхоз) дафтарчаси.

Справкалар учун адрес: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-уй, 1-57 хонага мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг бошқариш процесслари ва механика бўлими. Меҳнат Қизил Байроқ ордени Кибернетика институти ҳисобдаш маркази билан, Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Бошқаришнинг автоматлаштирилган системасининг Ихтисослаштирилган лойиҳа конструкторлик бюроси Кибернетика институтининг фанлар бўйича директор ўринбосари И. Х. Убайдуллаевга отаси

Ҳабибулла УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар Министрлиги коллективи министр ўринбосари А. М. Кўчқоровга отаси

Қўчқор МАРАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОЛТИН ОЧКОЛАР

Футболда ҳам «ҳосил йиғиштириладиган» мавсум бошланди. Ғалвир сувдан кўтарилмоқда. Қайси командалар совринли ўринларни олади-ю, қайсилари ўз қадрдон лигасини тарк этади? Гап «Пахтакор» ҳақида борадиган бўлса, командамиз иккинчи давра бошланганидан буён мухлисларни ҳаяжонлантирадиган анча пухта ўйинлар кўрсатмоқда. Баъзи футбол шарҳловчиларининг тили билан айтганда «Пахтакор»да ўсиш бошланди.

Команда тренери В. Соловьев қайси ўйинчилар нимага қодир эканлигини ҳисобга олиб, уларни учрашув вақтида қайси участкага ташлаш яхши натижалар беришини қунт билан тажриба қилаётган кўринарди. Ҳозирги ўйинларнинг бориши тренернинг мўлжали тўғрилигини тасдиқламоқда. Ўзга майдонларда мағлубият «Пахтакор» мухлисларининг асабини таранг қилаётганди. Бироқ Минскдаги учрашув ишқибозларнинг руҳини кўтариб юборди.

Ўтган якшанба куни Белоруссия пойтахтида пахтакорчилар маҳаллий «Динамо» командаси майдонида ўйнашдилар. Бу ўйин шу жиҳатдан ҳам масъулиятли эдики, ҳар икки командага очколар таҳчил бўлиб турган шу кунларда фақат ғалаба керак эди. Динамочилар ҳам, пахтакорчилар ҳам майдонга анз шу ниятда тушдилар. Ўйин қизғин кураш вазиятида ўтди. «Пахтакор»нинг майдондан ғолиб чиқиш учун олиб борган курашида ёш ўйинчи Юрий Беловнинг маҳорати асқотди. Учрашув давомида дарвозаларга пахтакорчи Белов киритганидан бўлак тўп кирмади. Натижада Ўзбекистон футболчилари бир тўлга иккн очко олишга муваффақ бўлдилар.

Шундай қилиб, пахтакорчилар мамлакат футбол чемпионати олий лига командаларининг йигирма олтинчи тур ўйинларида сафарда қўш очко олдилар. Бу, командамизнинг бир поғона юқори кўтарилишига — тўпладочилардан ўзиб кетишига ҳам сабаб бўлди. Бундан ташқари ана шу учрашувнинг якуни «Пахтакор»нинг хавфли зонадан чиқишини ҳам таъминлаб берди. Ҳозир командамиз 18 очко жамғарди ва ўйинлар жадвалида ўн иккинчи ўринда.

Футбол

ой тур пешқадамларнинг мағлубиятини ҳам қайд қилди. Кўпдан бери биринчи ўринни эгаллаб турган аврзатчилар ўз майдонларида 11 метрлик жарима тўпларидан кейин Москванинг динамочиларига бир очко «ҳадя» қилдилар: 1:1 (3:5). Иккинчи ўринда бораётган Киев динамочилари Марказий армия спорт клуби майдонида ўз дарвозаларидан уч тўп ўтказиб, мағлубият аламини тортдилар. «Спартак» — «Қайрат» учрашуви 1:0 ҳисобида тугади. «Зенит» — «Заря» 3:2, «Шахтёр» — «Днепр» 2:1. Ўйинлар жадвалининг қуйи қисмидан ўрин олган командалар учрашуви ҳам қизғин ўтди. Ростов армиячилари «Карпат» билан ўйинда 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Тбилиси динамочилари билан торпедочилар учрашуви 9 октябрда ўтади.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 14 октябрь куни Москвада спартакчилар билан ўтказади. Ҳозирги кунда қўлга киритилган ҳар бир очконинг қиммати қадрли — олтин очколар ҳисобланади. Командамизга сафардаги ўйинда ҳам омад тилаймиз.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Залонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Б. — 238. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 03740.